БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 240 (17.820). • 18 октябрь 1980 йил, шанба • Баҳоси 2 тийин.

РАСМИЙ ВИЗИТ БИЛАН

СОВЕТ—АФҒОНИСТОН МУЗОКАРАЛАРИ

16 октябрь куни Кремлда Совет-Афғонистон музокаралари бўлиб ўтди.

Музокараларни:

Совет томонидан— КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг раиси Л. И. Брежнев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Давлат хавфсизлиги комитетининг раиси Ю. В. Андропов, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Н. А. Тихонов, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари Б. Н. Пономарев, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари И. В. Архипов, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, Қуролли Кучлар Бош штабининг бошлиғи, СССР мудофаа министрининг биринчи ўринбосари, Совет Иттифоқи Маршали Н. В. Огарков, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССРнинг АДРдаги элчиси Ф. А. Табеев;

Афғонистон томонидан — Афғонистон Халқ Демократик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, Афғонистон Демократик Республикаси Революцион кенгашининг Раиси ва Бош министри Бабрак Кармал, АХДП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, АДР Революцион кенгаши Раисининг ўринбосари, Бош министр ўринбосари С. А. Кештманд, АХДП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари С. М. Зерай, АХДП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, АДР маориф министри А. Ратибзод, АХДП Марказий Комитетининг аъзоси, АДР ташқи ишлар министри Ш. М. Дўст, АХДП Марказий Комитетининг аъзоси, АДР мудофаа министри М. Рафи, АХДП Марказий Комитетининг аъзоси,

Суратда: музокаралар пайти. В. Мусаэльян ва В. Песов фотоси, (ТАСС).

АХДП Марказий Комитети халқаро бўлимининг мудири М. Барьялай олиб бордилар.

Сидқидиллик, дўстлик ва ҳамжиҳатлик вазиятида ўтган музокаралар вақтида Совет — Афғонистон муносабатларининг энг муҳим масалалари юзасидан фикрлашув олинди. Бу муносабатлар дўстлик, яхши қўшничилик ва ҳамкорлик тўғрисидаги 1978 йилги Шартнома асосида муваффақиятли ва самарали ривожланиб бораётганлигидан астойдил мамнуният изҳор қилинди.

Л. И. Брежнев Совет — Афғонистон ҳамкорлиги турли соҳаларни қамраб олганлигини ва равшан истиқболга эга эканлигини таъкидлади. Бу ҳамкорлик туб манфаатларнинг муштараклигига асосланганлиги учун ҳам унинг бузилмаслиги ва мустаҳкамлигини белгилаб беради.

Б. Кармал мамлакатдаги аҳволни нормаллаштириш борасида АДРда амалга оширилаётган тадбирлар тўғрисида, меҳнаткашларнинг манфаатларини кўзлаб АХДП раҳбарлигида рўёбга чиқарилаётган чуқур социал-иқтисодий ўзгартишлар ҳақида, Апрель революциясининг мақсадларига эришиш, партиянинг базасини ва унинг халқ оммаси билан алоқаларини кенгайтириш соҳасида АХДП олиб бораётган катта ишлар тўғрисида сўзлаб берди. У янги ҳаёт қурилишида ва империалистларнинг Афғонистон ички ишларига тўхтовсиз аралашувига қарши курашда, Апрель революцияси ишини ҳимоя қилишда, чет эл интервенциясига қарши курашда афғон халқига ҳар томонлама ёрдам ва мадад бераётганликлари учун КПСС билан Совет давлати раҳбарларига, бутун совет халқига миннатдорчилик билдирди.

Л. И. Брежнев партия ва давлат қурилишида АХДП эришган ютуқларни самимий табриклади ва афғон дўстларга бу ишда янгидан-янги муваффақиятлар тилади. У Афғонистон меҳнаткашлари ва уларнинг авангарди — АХДПнинг қураши билан бирдамлик изҳор этди. Вақт ўтган сайин, деди у, янги революцион Афғонистон тобора мустаҳкамланаверади. Афғонистон революцияси душманларининг шум ниятлари, бу революциянинг характерини ўзгартириш, АДР мавжуд ҳукуматининг қонуний эканлигини шубҳа остида қолдириш йўлидаги уринишлар барбод бўлишига шак-шубҳа йўқ. Совет Иттифоқи дўст, қўшилмаган Афғонистонни бундан буён ҳам изчиллик билан қўллаб-қувватлай беради.

Томонлар Афғонистон теварагида вужудга келган аҳволни АДР ҳукуматининг маълум таклифлари асосида бартараф этиш масалалари ҳусусида ягона позицияларни эгалладилар.

Дунёдаги вазиятни кўриб чиқиш чоғида Л. И. Брежнев ва Б. Кармал Совет Иттифоқи ҳамда Афғонистон халқаро майдонда қилган ҳамкорлик қилаётганлигини мамнуният билан қайд этдилар.

Халқаро вазиятдаги чиғалликлар Америка империалистлари ва гумашталарининг, шу жумладан пекинлик гегемончиларининг агрессив сиёсати сабабли юзага келганлиги таъкидлаб ўтилди. Томонлар АҚШнинг Ҳинд оқеани ва Форс кўрфази районидаги ҳаракатлари муносабати билан жиддий ташвиш билдирдилар. Улар Эрон— Ироқ можароси ташқаридан бирон бир кучнинг аралашувисиз сиёсий йўл билан бартараф этилишини қатъиян талаб қилдилар.

Кескинликни ва қуролланиш пойгасини кучайтириш йўлига СССР билан Афғонистон тинчлик, кескинликни юмшатиш, халқларнинг суверен ҳуқуқлари ва мустақиллигини ҳимоя қилиш сиёсатини қарамақарши қўймоқда. Б. Кармал Совет Иттифоқининг янги ташаббусларини батамом қўллаб-қувватлаганлигини билдирди. Ана шу ташаббуслар уруш хавфини камайтиришга ва қуролланиш пойгасини тўхтатишга, халқаро хавфсизликни мустаҳкамлашга қаратилганлиги.

Томонлар музокаларининг якунларини акс эттирувчи «Совет Иттифоқи ва Афғонистон Демократик Республикасининг Баёноти»ни эълон қилиш тўғрисида келишиб олдилар.

(ТАСС).

СОВЕТ ИТТИФОҚИ ВА АФҒОНИСТОН ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИНИНГ БАЁНОТИ ИМЗОЛАНДИ

16 октябрь куни Катта Кремль саройида Совет Иттифоқи билан Афғонистон Демократик Республикасининг Баёноти имзоланди.

Ҳужжатни КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев ва Афғонистон Халқ Демократик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, Афғонистон Демократик Республикаси Революцион кенгашининг Раиси ва Бош министри Б. Кармал имзоладилар.

Ҳужжатни имзолаш маросимида:

Совет томонидан — Ю. В. Андропов, А. А. Громико, А. П. Кириленко, А. Я. Пельше, М. А. Суслов, Н. А. Тихонов, К. У. Черненко, М. С. Горбачев, П. Н. Демичев, В. В. Кузнецов, Б. Н. Пономарев, М. С. Соломенцев, В. И. Долгих, М. В. Зимянин ўртоқлар ва бошқа расмий кишилар;

Афғонистон томонидан — С. А. Кештманд, С. М. Зерай, А. Ратибзод, Ш. М. Дўст, М. Рафи, М. Барьялай ўртоқлар ва бошқа расмий кишилар ҳозир бўлдилар.

(ТАСС).

Суратда: Совет Иттифоқи ва Афғонистон Демократик Республикасининг Баёнотини имзолаш пайти. А. Пахомов фотоси («Правда»).

Л. И. БРЕЖНЕВ

Б. КАРМАЛ БИЛАН СУҲБАТЛАШДИ

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев 16 октябрь куни Кремлда Афғонистон Халқ Демократик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари Афғонистон Демократик Республикаси Революцион кенгашининг Раиси ва Бош министри Б. Кармал билан суҳбатлашди.

Сидқидиллик ва тўла ҳамжиҳатлик вазиятида ўтган суҳбат чоғида давлат ва партия ҳамкорлигини янада ривожлантаришга доир бир қанча масалалар кўриб чиқилди.

(ТАСС).

КПСС ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЖЎНАБ КЕТДИ

ПХЕНЬЯН, 17 октябрь. (ТАСС). КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари В. В. Гришин бошчилигидаги КПСС делегацияси бугун бу ердан Ватанига жўнаб кетди. Делегация Корея Меҳнат партиясининг VI съездида ва партия ташкил этилганлигининг 35 йиллиги байрамида қатнашди.

Делегация составида КПСС Марказий Комитетининг секретари К. В. Русаков, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, КПСС Омск область комитетининг биринчи секретари С. И. Манякин бор.

Аэродромда КПСС делегациясини КМП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КМП Марказий Комитетининг секретари Ким Хвая ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар. Кузатиб қолувчилар орасида СССРнинг КХДРдаги элчиси Г. А. Крнулин бор эди.

РЕСПУБЛИКА МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ

ТЕРИМДА УЮШҚОҚЛИК, ЮКСАК ИНТИЗОМ— МУВАФФАҚИЯТ ГАРОВИ

17 октябрь эрталабигача республика бўйича 5.274.803 тонна, шу жумладан, 274.680 тонна ингичка толали пахта тайёрланди.

Мавсум бошидан буён машиналар ёрдамида 3.085.122 тонна, шу жумладан, 106.719 тонна ингичка толали пахта териб олинди.

Утган куни пахтазорлардан 70.847 тонна дурдона йиғиштириб олинди.

ЙИЛЛИК ПЛАННИ БАЖАРГАНЛАР

● **Андижон область, Бўз районн.** Бўзлик азаматлар давлатга 32 минг тонна пахта топширдилар. Ҳосилнинг 88 процентн машиналар билан терилди.

Бу муваффақиятга «Ленинчи» ва «Партия XX съезди» совхозларининг меҳнаткашлари салмоқли ҳисса қўшдилар. Бу хўжаликларда шу йил биринчи марта 12 та агроучастка ташкил этилган эди. Янги ташкилий структура ўзини оклади: агроучасткаларнинг ҳаммасида план муваффақиятли бажарилди.

Район меҳнаткашлари ялпи ҳосилни 40 минг тоннага етказиш юзасидан мажбурият қабул қилдилар.

● **Нукус районн** пахтакорлари автоном республикада биринчи бўлиб йиллик пахта тайёрлаш топширғинни бажарганликлари ҳақидаги рапортга имзо чекдилар. Бу ерда 8,2 минг тонна пахта тайёрланди.

Район меҳнаткашлари шоли ўрим-йиғимини ҳам жадал давом эттирмоқдалар. Нукуслик шоликорлар ҳозиргача давлатга 28 минг тоннадан кўпроқ шоли топширдилар.

● **Сурхондарё областининг қўриқ Ленин йўли районн.** Бу район чўлқуварлари қабул пунктларига 53 минг 400 тонна, шу жумладан, 22 минг тонна қимматбаҳо ингичка толали пахта топширдилар. Ҳосилнинг 82,5 процентн машиналар ёрдамида терилди. Район пахтакорлари ялпи ҳосилни 60 минг тоннага етказиш мажбуриятини қабул қилдилар.

● **Самарқанд область, Хатирчи районн.** Хатирчилик деҳқонлар давлатга 62 минг тонна «оқ олтин» топширдилар. Унинг 98 процентн биринчи сортларга қабул қилинди. Район меҳнаткашлари яна 13 минг тонна «оқ олтин» тайёрлашни мўлжалламоқдалар.

● **Қашқадарё область, Қарши районн.** Бу ерда қабул пунктларига 41.288 тонна хом ашё, шу жумладан, 6.540 тонна ипак пахта топширилди. Район заршуносларн яна 5.200 тонна «оқ олтин» тайёрлашга қарор қилдилар.

● **Тошкент область, Янгийўл районн.** Янгийўлликлар эл хирмонига 33.884 тонна дурдона армуғон этдилар. Ҳар гектар ердан 32,6 центнердан ҳосил кўтарилди. Эришилган муваффақиятга Ленин номли, «Коммунизм», «Интернационал», САМИС ва САИМЭ экспериментал хўжаликлари салмоқли ҳисса қўшдилар.

Район меҳнаткашларининг мажбурияти — ялпи ҳосилни 37 минг тоннага етказиш.

● **Наманган область Уйчи районидаги «ВЛКСМ 60 йиллиги» совхози.** Совхоз чўлқуварлари 527 гектар майдондан 1300 тонна биринчи сорт пахта териб олдилар. Хўжалик пахтакорлари ялпи ҳосилни 1.530 тоннага етказиш юзасидан мажбурият олдилар.

● **Наманган область, Косонсой районидаги «Қўқумбой» совхози.** Хўжалик пахтакорлари давлатга 5.300 тонна «оқ олтин» топширдилар. Улар ялпи ҳосилни 6.500 тоннага етказиш учун курашмоқдалар.

● **Қувасой шаҳридаги Ильич номли совхоз.** Бу хўжаликда 1.780 тонна хом ашё тайёрланди.

● **Ленинград районидаги «Социализм» колхози.** Хўжалик азаматлари эл хирмонига 3.450 тонна пахта топширдилар.

● **Ўзбекистон районидаги «Ғаниобод» совхози.** Ғаниободликлар давлатга 14 минг тонна хом ашё топширдилар. Улар мавсум охиригача яна 2 минг тонна пахта тайёрлаш учун курашмоқдалар.

● СССР Олий Совети депутати Жоникул Юсупов раҳбарлик қилаётган Меҳнат Қизил Байроқ орденли К. Маркс номли колхоз Самарқанд областида донг таратган хўжаликдир. Утган куни бу ерда йиллик план уддаланди. Давлатга 9 минг тонна пахта етказиб берилди. Колхоз пахтазорларида ҳали ҳосил мўл. Хўжалик марди майдонлари ялпи ҳосил миқдорини 13 минг тоннага етказишга аҳд қилдилар.

● **Сурхондарё область** Шўрчи районидаги «Ленинград», Энгельс номли, Термиз районидаги Жданов номли колхозлар, Ленин йўли районидаги Охунбобоев номли, Будённий номли, Ғагарин районидаги А. Набиев номли ва «Пограничник» совхозлари ҳам йиллик планни бажардилар.

● **Самарқанд область Пахтачи районидаги** «Пахтакор» колхозида йиллик пахта тайёрлаш плани ва машина терими плани ошириб адо этилди. Лекин машиналар ҳали далалардан чиққанича йўқ. Бу ерда ҳар куни машиналар ёрдамида 3 процентгача пахта териб олиняпти.

● **Андижон область, Комсомолобод районидаги Мирзаҳмедов номли совхоз.** Совхоз чўлқуварлари ҳосилнинг 76,3 процентини машиналар билан териб олиб, республика хирмонига 8.315 тонна пахта топширдилар.

● **Дўстлик районидаги Саркисов номли совхоз.** 10 минг 209 тонна, Пахтакор районидаги А. Икромов номли совхоз 7 минг 200 тонна, Арнасой районидаги Жуков номли совхоз 6 минг 320 тонна пахта тайёрлаб, дастлабки маррага етиб келдилар.

* * *

Дала гвардиячиларининг фидокорона меҳнати Сирдарё область **Оқолтин районидаги «Фаргона» совхозида** социалистик мажбуриятни шараф билан бажариш имконини берди. Бу ерда қабул пунктларига топширилган 16.070 тонна пахтанинг 14 минг тоннаси кўпроқ механизмлар ёрдамида териб олинди.

Республика партия ва ҳукуматининг Мурожаатига жавобан, совхоз меҳнаткашлари ялпи ҳосил миқдорини 20 минг тоннага етказиш учун курашмоқдалар.

● «Сўзимизнинг устидан чиқдик!» Куни кеча Ворошилов районидаги «Социализм» совхозининг механизаторлари ака-ука Равшан ва Исмоил Кенжаевлар ана шундай дедилар. Улар машина бункеридан 350 тонна хом ашё бўшатишди. Ҳозир ака-ука механизаторлар оширилган мажбурият ҳисобига пахта теришмоқда.

● **Қумқўрғон районидаги «ВЛКСМ 30 йиллиги» совхози** Сурхон воҳасида биринчи бўлиб социалистик мажбуриятни адо этди. Бу совхоз республикада ташкил этилган тўнғич хўжаликлардан ҳисобланади. Унинг ташкил этилганига ярим аср бўлди. Хўжалик заршуносларн она-Ватанга 8.500 тонна, шу жумладан 6.200 тонна ингичка толали пахта топширдилар. Ҳар гектар ердан 44 центнердан ҳосил кўтарилди. Бу кўрсаткични мавсум охиригача 53 центнерга етказиш кўзда тутилаётир.

● **Айний номидаги Самарқанд педагогика институти** студентлари пахта йиғим-теримида область кўчма Қизил байроғини қўлга киритдилар. Бу ерда ҳар бир теримчи ҳисобига кунига 82 килограммдан пахта теряпти.

● Андижон областининг Беликчи, Москва ва Андижон районлари хўжаликларида кузги дон экиш муддатидан илгари тугалланди.

● Республика партия ва ҳукуматининг Мурожаатига жавобан, Косонсой шаҳридан 200 дан зиёд меҳнат ва уруш ветерани пахтакорларга ёрдамга отланди. Каримжон ота Раззоков раҳбарлик қилаётган «Дилшод» маҳалласининг оқсоқолларидан иборат бригада аъзолари «Дўстлик» совхозида кунига 800—900 килограмм пахта теришмоқда.

● Чуст районидаги Карл Маркс номли колхоз комсомол ташкилоти теримчиларнинг зарбдор бригадасини ташкил этди. Унинг составига 40 нафар теримчи қиз киритилди. Уларнинг ҳар бири кунига 100—120 килограммдан «оқ олтин» тераётир.

● СССР космонавт учувчиси, икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони Г. Т. Береговой йўллаган табрик телеграммасидан руҳланган **Нишон районидаги «СССР 50 йиллиги» совхозининг механизаторлари ака-ука Қиёмовлар** теримни жадал суръатларда давом эттирмоқдалар. Улар оширилган мажбуриятни ҳам уддалаш арафасида туришибди. Ака-ука механизаторлар мавсум бошидан буён 2300 тониадан зиёд пахта тердилар. Улар яна 200 тонна пахта терамиз, демоқдалар.

БЕШ ЙИЛЛИК ПЛАН БАЖАРИЛДИ

Бухоро область, ВОБКЕНТ РАЙОНИ пахтакорлари беш йиллик планни адо этдилар. Шу давр мобайнида давлатга 238,3 минг тонна пахта топширдилар. Ҳосилдорлик 28 центнердан 32 центнерга етказилди.

Район пахтакорлари яна 15 минг тонна пахта тайёрлашга сўз бердилар.

МЕҲНАТ РАПОРТИ

«Узколхозстрой» бирлашмасининг «Узколхозспецстрой-2» трести коллективи КПСС XXV съездн тарихий қарорларини амалга ошира бориб, беш йиллик планни муддатидан илгари адо этди.

Беш йиллик мобайнида кўплаб чорвачилик комплекслари, мактаблар ва мактабгача тарбия ёшидаги болалар муассасалари, бошқа социал маданий, маиший объектлар ишга туширилди. Трест олиб бораётган ишларнинг 85 процентн бригада пудрати методи асосида бажарилмоқда.

Трест коллективи беш йиллик планга қўшимча равишда 4,5 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари ҳажмини бажариш мажбуриятини олди.

(ЎзТАГ).

5 850 000 ОҚ ОЛТИН ХИРМОНИГА

Республика областларида пахта тайёрлашнинг борини тўғрисида шу йил 17 октябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён (тайёрлашнинг умумий ҳажмига нисбатан процент ҳисобида); тўртинчи устун— бир кунда машинада терилган пахта; бешинчи устун — мавсум бошидан буён (мажбуриятга нисбатан процент ҳисобида).

ТОШКЕНТ	0,64	106,54	0,68	101,25
БУХОРО	0,79	105,35	0,92	74,30
ҚАШҚАДАРЁ	0,99	101,55	1,30	85,37
Сурхондарё	1,36	98,12	1,00	84,46
Жиззах	1,31	96,91	0,62	101,24
Самарқанд	1,26	94,00	1,64	71,79
Сирдарё	1,47	93,68	1,25	96,98
Хоразм	1,55	87,35	2,45	74,96
Фарғона	1,13	84,85	1,69	63,37
ҚҚАССР	1,35	84,53	1,79	75,32
Андижон	1,30	80,79	1,70	59,41
Наманган	1,90	75,32	2,38	57,43
Республика бўйича:	1,22	90,94	1,46	80,13
Шу жумладан ингичка толали пахта				
Сурхондарё	1,45	86,54	1,34	71,38
Бухоро	1,47	70,01	0,52	26,89
Қашқадарё	2,03	66,58	2,55	47,31
Наманган	1,27	53,73	—	15,34
Республика бўйича:	1,61	78,48	1,62	58,64

ДЎСТОНА ВАЗИЯТДА

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР ҳукумати 16 октябрда Катта Кремль саройида АХДП Марказий Комитетининг Бош секретари, Афғонистон Демократик Республикаси Революцион кенгашининг Раиси ва Бош министри Б. Кармал шарафига зиёфат бердилар.

Б. Кармалнинг сафарида унга ҳамроҳ бўлган афғонистонлик расмий кишилар зиёфатда у билан бирга бўлдилар.

Совет томонидан зиёфатда Л. И. Брежнев, Ю. В. Андропов, А. А. Громико, А. П. Кириленко, А. Я. Пельше, М. А. Суслов, Н. А. Тихонов, К. Ў. Черненко, М. С. Горбачев, П. Н. Демичев, В. В. Кузнецов, Б. Н. Пономарев, М. С. Соломенцев, В. И. Долгих, М. В. Зимянин ўртоқлар, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети Раисларининг ўринбосарлари, СССР министрлари, СССР давлат комитетларининг раислари, бошқа расмий кишилар ҳозир бўлдилар.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев зиёфатда нутқ сўзлади.

Ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВ нутқи

Ҳурматли ўртоқ Бабрак Кармал!

Ўртоқлар, дўстлар!

Бу ерда мен Афғонистон Халқ Демократик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, Афғонистон Демократик Республикаси Революцион кенгашининг Раиси ва Бош министри ўртоқ Кармални ва дўст Афғонистоннинг у билан бирга келган партия ҳамда давлат арбобларини қувонч билан табриклайман.

Икки ўртада бўлиб ўтган суҳбат тилга олинган ҳамма проблемалар юзасидан фикрларнинг тўла бирлигини ва ҳамжиҳатликни кўрсатди. Бунинг сабаби равшан. Чунки Афғонистонда миллий-демократик революциянинг ғалабаси билан, айниқса унинг иккинчи босқичида мамлакатларимиз ўртасидаги анъанавий дўстлик муносабатлари қардошлик, революцион бирдамлик ва ҳар томонлама ҳамкорлик муносабатларига айланди.

Апрель революциясининг мақсадларини амалга ошириш учун курашда Афғонистон империализм ва гегемонизмнинг афғон халқини ўз революцион ғалабаларидан маҳрум қилишга қўзлаб, кенг миқёсда синчиклаб ташкил этилган ивогарликларига дуч келди.

Бу — тасодифий ҳол эмас эди. Революцион Афғонистонга қарши эълон қилинмаган уруш — империалистик реакция лагерининг озодлик ва тинчликсевар кучларга қарши ялпи ҳужумининг бир қисми бўлиб қолди. Бу ҳужумнинг кўлами ҳозир равшан кўриниб турибди.

АҚШда урушга зўр бериб тайёргарлик кўриш ва ядро урушини тўхтовсиз пропаганда қилиш, ҳатто, айтиш мумкинки, уни кўкларга кўтариб мақташ мислсиз даражага етди. Шу рисол кампанияда Вашингтон маъмуриятининг кўпдан-кўп вакиллари, жумладан, энг юқори мартабали кишилар, иккала асосий партиянинг арбоблари қатнашмоқда, телевидение, радио, матбуот ҳақида гапирмаса ҳам бўлади.

Улар ядро уруши чиқариш ҳақида қандайдир нормал ва ҳатто мақбул бир нарса тўғрисида гапиргандек ҳайратомуз сурбетлик билан мулоҳаза юритмоқдалар, халқнинг онгига мана шу жиноий фикрни сингдирмоқдалар. Социалистик мамлакатларга, айниқса Совет Иттифоқига қарши кампаниянинг бошқа иштирокчилари тўғрисида ҳам шу гапни айтиш мумкин.

Афғонистоннинг ички ишларига аралашиш ва унинг халқига ўз турмушини қандай қуриш ва қандай ҳукумат тузиш тўғрисида буйруқ бериш йўлидаги уринишлар бехуда эканини ҳамма тушуниб олади, деб умид қилгимиз келади.

Афғонистонлик азиз ўртоқлар!

Сизларнинг СССРга қилган визитингиз партияларимиз, мамлакатларимиз, халқларимиз ўртасидаги қардошлик муносабатларини ривожлантиришда муҳим воқеадир.

Биз Афғонистон Демократик Республикасининг ташқи сиёсатига, унинг қўшилмаган мамлакат статусига ҳурмат билан қараймиз.

Янги жамият қуриш учун курашда, ўз революциясининг ғалабаларини ҳимоя қилиш ишида Афғонистон бундан буён ҳам совет халқининг мададкорлигига умид боғлайвериши мумкин.

Ўртоқ Кармалнинг ва барча ҳурматли афғон меҳмонларининг сиҳат-саломатлиги учун!

Совет Иттифоқи билан Афғонистон Демократик Республикаси ўртасидаги қардошларча дўстлик ва ҳамкорлик учун!

Ер юзида мустаҳкам тинчлик ва барча давлатлар ўртасида тенг ҳуқуқли ҳамкорлик учун қадаҳ кўтаришни таклиф қиламан.

* * *

Б. Кармал жавоб нутқи сўзлади.

Ўртоқ Б. КАРМАЛ нутқи

Азиз ўртоқ Леонид Ильич Брежнев!

Азиз ўртоқлар, дўстлар!

Бизга Москвада кўрсатилаётган самимий, ўртоқларча иззат-икром учун, бизнинг шаънимизга ва мамлакатимиз шаънига айтилган илиқ, дўстона сўзлар учун ўз номимдан ва сафарда мен билан бирга келган ўртоқлар номидан астойдил миннатдорчилик изҳор этишга ижозат бергайсизлар.

Дўстона расмий визит билан Совет Иттифоқига келиш тўғрисида қилинган таклифни биз улуғ В. И. Ленин мамлакатининг Афғонистон революцияси ва афғон халқи билан қардошларча интернационал бирдамлиги олий намунаси деб, Совет Иттифоқи халқи билан демократик, революцион Афғонистон халқи ўртасидаги бузилмас, улуғ, батамом янги типдаги дўстликни янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш тўғрисидаги ғамхўрлигингиз ва манфаатдорлигингизнинг ёрқин ифодаси деб биламиз.

Биз Москвага қилган визитимизга ва бу ердаги учрашувларимизга алоҳида аҳамият берамиз. Апрель революцияси ривожининг янги босқичи бошлангандан кейинги олий партия-ҳукумат даражасидаги биринчи чет эл визитимиз шонли Советлар мамлакатига тўғри келганлиги мутлақо табиий бўлиб, бу нарса бизни қувонтирмоқда. Бу эса ўртамиздаги дўстлик ва ҳамкорликнинг юксак даражага кўтарилганидан далолат беради, мамлакатларимизнинг тўла бирдамлигини, ҳамма соҳалардаги позицияларимизнинг муштараклигини кўрсатади, муштарак манфаатларимизни ифодалайди.

1978 йил Апрель революцияси халқ эҳтиёжларига берилган мантиқий жавоб ва жамиятимизнинг узоқ вақт давомидаги ривожи натижасида бўлганлиги шубҳасиз, деди сўзини давом эттириб Б. Кармал. Революциянинг ғалабаси билан мамлакатимиз — революцион Афғонистоннинг эрксевар, меҳнатсевар халқи олдида янги, адолатли жамиятни бунёд этишнинг илҳомбахш истиқболлари очилди.

Мамлакат ишчилар синфи ва барча меҳнаткашларининг авангарди — АХДП давлат ҳокимиятини ўз қўлига олгач, социал-иқтисодий ўзгартишларни ўтказишга, афғон халқининг энг яхши миллий анъаналарига риоя қилиб, халқ оммасининг демократик орзу-умидларини рўёбга чиқаришга киришди.

Бироқ, турли сабабларга кўра — мамлакатнинг умумий қолоқлиги, АХДПнинг етарли равишда етук эмасдиги, империализмнинг агенти бўлмиш Аминнинг ҳамда унинг гумашталарининг қасддан қилган қиёнаткорлиги натижасида тўғри ва принципиал йўлдан оғиш содир бўлди ва революция тўғри йўлдан тойиб кетди.

Аммо душманларнинг Афғонистон революциясини бўғиб ташлашга қаратилган жинояткорона режалари барбод қилинди. Партиямизнинг сўзлом ватанпарвар кўпчилиги 1979 йил 27 декабрь куни халқнинг қатъий иродасини ифодалаб ,революцияни омон сақлаб қолди ва Ҳ. Аминнинг қонхўр режимига барҳам берди. Революциянинг иккинчи босқичи — Ватанни, халқни, революция ишини омон сақлаб қолиш босқичи бошланди. Б. Кармал бундай деб таъкидлади: биз тинчлик, озодлик, демократия, социал адолат, тараққиёт ва социализм кучлари билан бирга, Осиё, Африка ва Лотин Америкасидаги қўшилмаган давлатлар ва ривожланаётган мамлакатлар ҳаракати билан биргаликда эски ва янги мустамлакачиликка қарши, империализмга, шовинизмга, фашизмга, сионизмга қарши, апартеидга ва иқчиликка қарши битта кенг ва жипслашган фронт бўлиб қаҳрамонона курашишга қарор бердик.

Кун сайин қардошлик, дўстлик ва бирдамликнинг янги нишоналари билан бойиб бораётган Афғонистон — Совет муносабатлари тарихини таърифлаб, Б. Кармал айтдики: Афғонистонда ҳар хил даврлар бўлди, бироқ Совет Иттифоқи ҳамиша афғон халқи билан дўстлик ва унга чинакам интернационал мададкорлик билан боғлиқ бўлиб қолишлари мумкин.

Агрессия нучларнинг қора ниятларини барбод этиш, тинчликни ҳимоя қилиш, қуролланиш пойгасини тўхтатиш ва кескинликни юмшатишни сақлаб қолиш—ҳозир планетамизда тинчликни қадрловчи барча кишиларнинг тарихий вазифасидир.

Кескинликни юмшатиш душманлари «афғон масаласи» деб аталган ва ўзлари қасддан кўпиртираётган масаладан халқаро вазиятни кескинлаштириш учун бир баҳона тарзида фойдаланмоқдалар. Аниқроқ қилиб айтганда, улар Афғонистон революциясига ва Совет Иттифоқига туҳмат қилмоқдалар. Бу нарса уларга кескинликни бўшаштирмаслик, ўзларининг милитаристик активлигини кучайтириш учун керак.

Улар гарчи Афғонистонга ҳам, Совет Иттифоқининг ҳам бошқа мамлакатларга ва уларнинг манфаатларига қарши қаратилган ҳеч қандай режалари йўқлигини, Совет Иттифоқининг Афғонистонга ёрдами фақат битта мақсадни: Афғонистон революциясига қарши ҳарбий интервенцияни ва империалистларнинг Афғонистон ишларига ҳар қандай шаклда аралашувини тўхтатиш мақсадини кўзлашини жуда яхши билсалар ҳам бари-бир туҳмат қилмоқдалар.

Афғонистондаги аҳвол ҳозир ўнгланиб, аста-секин нормал ига тушаётганлигидан хурсандмиз. Худди шундай бўлиши керак эди. Аммо ташқаридан қуролли бостириб киришлар, ташқи кучларнинг ички контрреволюцияни қўллаб-қувватлаши ҳамон давом этмоқда.

Афғонистон Демократик Республикасига тажовуз қилаётган кимсалар ўзларининг авантюрачилик сиёсатлари асло рўёбга чиқмаслигини энди тушуниб олдиларган пайт келди. Афғонистондаги революцион жараён муқаррардир. Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик давлатлар, бутун дунёнинг тараққипарвар кучлари Афғонистон халқи ва унинг ҳукуматига мададкор ҳамда бирдамдирлар.

Биз иккала давлатимизнинг хавфсизлиги манфаатларини қаттиқ туриб ҳимоя қиламиз ва афғон халқи олдидаги, унинг ўртоқ Бабрак Кармал бошлиқ ҳукумати олдидаги ўз интернационал бурчимизни Совет— Афғонистон шартномасига ва БМТ Уставига тўла мувофиқ равишда бажарамиз.

Халқаро реакциянинг Афғонистон теварагидаги ивогарликлари ва ғаламисликларини фош қилиш билан бирга дунёнинг шу районидаги вазиятни тўла нормаллаштириш учун ҳамма ишни қилиш керак. Бунга эришиш йўли Афғонистон ҳукуматининг 14 май баёнотида тўғри белгилаб берилган. Бу— конкрет ва реалистик программадир. Сизларнинг қўшинингиз Покистон билан бир битимга эришиш — унинг муҳим элементидир.

Аслида бу мамлакат Вашингтон билан Пекининг ҳунук найрангига ўралишиб қолди. У Афғонистон билан кескинликни кучайтиришдан ҳеч қандай манфаат кўрмади ва кўрмайди ҳам. Афғонистонга қарши кампаниянинг бошқа иштирокчилари тўғрисида ҳам шу гапни айтиш мумкин.

1978 йил Апрель революцияси халқ эҳтиёжларига берилган мантиқий жавоб ва жамиятимизнинг узоқ вақт давомидаги ривожи натижасида бўлганлиги шубҳасиз, деди сўзини давом эттириб Б. Кармал. Революциянинг ғалабаси билан мамлакатимиз — революцион Афғонистоннинг эрксевар, меҳнатсевар халқи олдида янги, адолатли жамиятни бунёд этишнинг илҳомбахш истиқболлари очилди.

Мамлакат ишчилар синфи ва барча меҳнаткашларининг авангарди — АХДП давлат ҳокимиятини ўз қўлига олгач, социал-иқтисодий ўзгартишларни ўтказишга, афғон халқининг энг яхши миллий анъаналарига риоя қилиб, халқ оммасининг демократик орзу-умидларини рўёбга чиқаришга киришди.

Бироқ, турли сабабларга кўра — мамлакатнинг умумий қолоқлиги, АХДПнинг етарли равишда етук эмасдиги, империализмнинг агенти бўлмиш Аминнинг ҳамда унинг гумашталарининг қасддан қилган қиёнаткорлиги натижасида тўғри ва принципиал йўлдан оғиш содир бўлди ва революция тўғри йўлдан тойиб кетди.

Аммо душманларнинг Афғонистон революциясини бўғиб ташлашга қаратилган жинояткорона режалари барбод қилинди. Партиямизнинг сўзлом ватанпарвар кўпчилиги 1979 йил 27 декабрь куни халқнинг қатъий иродасини ифодалаб ,революцияни омон сақлаб қолди ва Ҳ. Аминнинг қонхўр режимига барҳам берди. Революциянинг иккинчи босқичи — Ватанни, халқни, революция ишини омон сақлаб қолиш босқичи бошланди. Б. Кармал бундай деб таъкидлади: биз тинчлик, озодлик, демократия, социал адолат, тараққиёт ва социализм кучлари билан бирга, Осиё, Африка ва Лотин Америкасидаги қўшилмаган давлатлар ва ривожланаётган мамлакатлар ҳаракати билан биргаликда эски ва янги мустамлакачиликка қарши, империализмга, шовинизмга, фашизмга, сионизмга қарши, апартеидга ва иқчиликка қарши битта кенг ва жипслашган фронт бўлиб қаҳрамонона курашишга қарор бердик.

Кун сайин қардошлик, дўстлик ва бирдамликнинг янги нишоналари билан бойиб бораётган Афғонистон — Совет муносабатлари тарихини таърифлаб, Б. Кармал айтдики: Афғонистонда ҳар хил даврлар бўлди, бироқ Совет Иттифоқи ҳамиша афғон халқи билан дўстлик ва унга чинакам интернационал мададкорлик билан боғлиқ бўлиб қолишлари мумкин.

Агрессия нучларнинг қора ниятларини барбод этиш, тинчликни ҳимоя қилиш, қуролланиш пойгасини тўхтатиш ва кескинликни юмшатишни сақлаб қолиш—ҳозир планетамизда тинчликни қадрловчи барча кишиларнинг тарихий вазифасидир.

Кескинликни юмшатиш душманлари «афғон масаласи» деб аталган ва ўзлари қасддан кўпиртираётган масаладан халқаро вазиятни кескинлаштириш учун бир баҳона тарзида фойдаланмоқдалар. Аниқроқ қилиб айтганда, улар Афғонистон революциясига ва Совет Иттифоқига туҳмат қилмоқдалар. Бу нарса уларга кескинликни бўшаштирмаслик, ўзларининг милитаристик активлигини кучайтириш учун керак.

Улар гарчи Афғонистонга ҳам, Совет Иттифоқининг ҳам бошқа мамлакатларга ва уларнинг манфаатларига қарши қаратилган ҳеч қандай режалари йўқлигини, Совет Иттифоқининг Афғонистонга ёрдами фақат битта мақсадни: Афғонистон революциясига қарши ҳарбий интервенцияни ва империалистларнинг Афғонистон ишларига ҳар қандай шаклда аралашувини тўхтатиш мақсадини кўзлашини жуда яхши билсалар ҳам бари-бир туҳмат қилмоқдалар.

Афғонистондаги аҳвол ҳозир ўнгланиб, аста-секин нормал ига тушаётганлигидан хурсандмиз. Худди шундай бўлиши керак эди. Аммо ташқаридан қуролли бостириб киришлар, ташқи кучларнинг ички контрреволюцияни қўллаб-қувватлаши ҳамон давом этмоқда.

Афғонистон Демократик Республикасига тажовуз қилаётган кимсалар ўзларининг авантюрачилик сиёсатлари асло рўёбга чиқмаслигини энди тушуниб олдиларган пайт келди. Афғонистондаги революцион жараён муқаррардир. Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик давлатлар, бутун дунёнинг тараққипарвар кучлари Афғонистон халқи ва унинг ҳукуматига мададкор ҳамда бирдамдирлар.

Биз иккала давлатимизнинг хавфсизлиги манфаатларини қаттиқ туриб ҳимоя қиламиз ва афғон халқи олдидаги, унинг ўртоқ Бабрак Кармал бошлиқ ҳукумати олдидаги ўз интернационал бурчимизни Совет— Афғонистон шартномасига ва БМТ Уставига тўла мувофиқ равишда бажарамиз.

Халқаро реакциянинг Афғонистон теварагидаги ивогарликлари ва ғаламисликларини фош қилиш билан бирга дунёнинг шу районидаги вазиятни тўла нормаллаштириш учун ҳамма ишни қилиш керак. Бунга эришиш йўли Афғонистон ҳукуматининг 14 май баёнотида тўғри белгилаб берилган. Бу— конкрет ва реалистик программадир. Сизларнинг қўшинингиз Покистон билан бир битимга эришиш — унинг муҳим элементидир.

Аслида бу мамлакат Вашингтон билан Пекининг ҳунук найрангига ўралишиб қолди. У Афғонистон билан кескинликни кучайтиришдан ҳеч қандай манфаат кўрмади ва кўрмайди ҳам. Афғонистонга қарши кампаниянинг бошқа иштирокчилари тўғрисида ҳам шу гапни айтиш мумкин.

Афғонистоннинг ички ишларига аралашиш ва унинг халқига ўз турмушини қандай қуриш ва қандай ҳукумат тузиш тўғрисида буйруқ бериш йўлидаги уринишлар бехуда эканини ҳамма тушуниб олади, деб умид қилгимиз келади.

Афғонистонлик азиз ўртоқлар!

Сизларнинг СССРга қилган визитингиз партияларимиз, мамлакатларимиз, халқларимиз ўртасидаги қардошлик муносабатларини ривожлантиришда муҳим воқеадир.

Биз Афғонистон Демократик Республикасининг ташқи сиёсатига, унинг қўшилмаган мамлакат статусига ҳурмат билан қараймиз.

Янги жамият қуриш учун курашда, ўз революциясининг ғалабаларини ҳимоя қилиш ишида Афғонистон бундан буён ҳам совет халқининг мададкорлигига умид боғлайвериши мумкин.

Ўртоқ Кармалнинг ва барча ҳурматли афғон меҳмонларининг сиҳат-саломатлиги учун!

Совет Иттифоқи билан Афғонистон Демократик Республикаси ўртасидаги қардошларча дўстлик ва ҳамкорлик учун!

Ер юзида мустаҳкам тинчлик ва барча давлатлар ўртасида тенг ҳуқуқли ҳамкорлик учун қадаҳ кўтаришни таклиф қиламан.

* * *

Б. Кармал жавоб нутқи сўзлади.

принципиал ёндашиш оқибатида ва айниқса регондаги реакцион кучлардан, Америка империализми бошчилигидаги халқаро империализмдан, Хитойнинг буюк давлатчилик шовинизмидан мадад олиб турган аксилинқилобчиларнинг қўпорувчилик фаолияти натижасида бизнинг революцион, илмий асосланган программаларимизни белгиланган даражада рўёбга чиқаришга муваффақ бўлинмади. Ўтмишда йўл қўйилган нотўғри ҳаракатларга, хиёнаткорликларга ва содир бўлган фожиали воқеаларга қарамай, ҳозирги вақтда биз вазият нормаллашган ва мамлакат районлари аксилинқилобчи сотқинларнинг тўдаларидан тозаланган сайин миллий экономиканинг давлат, аралаш ва хусусий секторларини изчил равишда ривожлантириш чораларини кўряпмиз. Мамлакатимиз ўзининг табиий бойликлари ва меҳнат ресурслари нуқтаи назаридан катта потенциалга эгадир. Шу бойликларни Афғонистон халқи манфаатлари йўлида ўзлаштириш партиямиз билан ҳукуматимизнинг вазифасидир. Биз қулай шарт-шароитлар таъминлаб қўйилгандан кейин иқтисодий қурилишни ривожлантириш учун куч-ғайратларни аямаймиз, иқтисодий режалар ва лойиҳаларни, чинакам маданий революцияни амалга оширишга киришамиз, бу эса халқимиз турмушида туб ўзгаришлар бўлишига олиб боради.

Сўнгра Б. Кармал мамлакатда аграр масала қандай ҳал этилаётганини, ички сиёсий аҳволни нормаллаштириш соҳасида, ҳукуматга ишончни қайтадан тиклаш ва халқ оммасининг АХДП сиёсатини қўллаб-қувватлашини кучайтириш соҳасида қўйилаётган нисбий қадамларни гапириб берди.

Ташқи сиёсатда, деди у сўзини давом эттириб, аввало халқимизнинг турмуши учун, Афғонистоннинг бундан буёнги миллий ва социал тараққиёти учун қулай халқаро шароитларни таъминлашга интиляпмиз. КПСС XXIV ва XXV съездлари қабул қилган тинчлик учун кураш программасини, Леонид Ильич, Сизнинг изоҳий ленинча позициягизни, Сизнинг олижаноб ҳис-туйғулар билан тўлиб-тошган баёнотларингизни ва тинчлик, кескинликни юмшатиш, қуролсизланиш учун кураш масалалари юзасидан ҳамда инсониятни омон асраб қолиш ва даҳшатли фожиа, вайронгарчилик келтирувчи ядро урушининг олдини олиш манфаатларини кўзловчи бошқа масалалар юзасидан қилган амалий таклифларингизни, айниқса кейинги вақтларда БМТ Бош Ассамблеясининг сессиясида ўртага қўйилган совет таклифларини, шунингдек Варшава Шартномасида қатнашувчи мамлакатлар Сиёсий маслаҳат комитетининг ташаббусларини тўла-тўкис қўллаб-қувватлаймиз. Шуни айтиш керакки, бизнинг ташқи сиёсатимиз тинч-тотув яшаш, БМТ Уставини ҳурмат қилиш, блокларга қўшилмаслик, интернационал бирдамлик, кескинликни юмшатишни давом эттириш, регионда ва халқаро миқёсда хавфсизликни мустаҳкамлаш, қуролланиш пойгасини тўхтатиш, халқлар ўртасида тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик принципларига асосланади.

Биз Америка империалистлари ва Хитой гегемончиларининг Ҳинд океани ҳавзаси ҳамда Форс қўрфази мамлакатлари ва халқларига нисбатан машъум режаларини барбод қилишга қаратилган тинчликсеварлик таклифларини қатъият билан қўллаб-қувватлаймиз.

АДР дўстлик ва ҳамкорликни ҳоҳловчи барча мамлакатлар билан дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиш ва ривожлантиришдан манфаатдордир. Қўшилмаслик ҳаракатининг асосчиларидан бири бўлган Афғонистон халқлар тинчлиги ва хавфсизлиги манфаатларини кўзлаб, мана шу антиимпериалистик ҳаракатда бундан буён ҳам самарали ва актив роль ўйнаш ниятидадир.

Гарбдаги ва бизнинг региондаги баъзи кимсалар аҳволни гўё «афғон масаласи» регионда ва умуман Осиёда кескинликнинг манбаи бўлиб турибди, бу масалани ҳал этиш учун имконе бўлган ҳамма иш қилинмоқда-ю, бироқ Кобул гўё проблеманы муҳокама қилишни хоҳламаяпти, деб тасвирлашга уринмоқдалар. «Афғон масаласи» теварагидаги мана шу гап-сўзлар ва дипломатия найранглари, очиғини айтганда, шу масалани ўртага қўйётган кимсаларда соғлом фикр йўқлигидан, улар масалага масъулиятсизларча ва бачканалик билан ёндашаётганликларидан далолат беради. Чунки масаланинг ўзи Афғонистоннинг ёки Совет Иттифоқининг айби билан эмас, балки ўз гумашталари ва ёллаб олган кишилари ёрдамида мамлакатимизнинг миллий мустақиллигини, суверенитети ва территориал бутунлигини тугатмоқчи бўлган ва ҳозир ҳам чет эллардан мамлакатимизга безориларнинг тўдаларини юбораётган кучларнинг айби билан вужудга келди. Шу кучларнинг Афғонистон хусусидаги жиноий режалари барбод қилинганидан кейин улар ўз бисотларидан «афғон масаласи» деган иборани кўтариб чиқдилар.

Жаҳондаги давлатлар билан тинчлик ва дўстлик сиёсатига содиқ бўлган Афғонистон ҳеч қандай «масалалар»ни ҳеч қачон вужудга келтирган эмас ва вужудга келтирмайди ҳам. Мамлакатимиз тарихининг энг қийин босқичида АДР ҳукуматининг илтимосига биноан Совет Иттифоқи кўрсатган қардошлик ва чуқур интернационалистик ёрдамга келганда, шуни айтиш керакки, бу ёрдам халқаро ҳуқуқнинг ҳамма қабул этган нормаларига тўла-тўкис мос келади. Ташқаридан қуролли агрессия ва АДР ички ишларига аралашишнинг бошқа ҳамма формалари тўхтатилиб, бундай ҳаракатлар яна бошланмаслигига аниқ гарантия берилган ҳамоно АДР ҳукуматининг ёрдам сўраб Совет Иттифоқига мурожаат қилишини тақозо этган сабаблар ҳам тугайди, деб биз неча марталаб айтганмиз.

Башарти, қўшиналаримиз — Покистон билан Эрон иккала томонни қизиқтирувчи проблеманы принципиал асосда муҳокама қилишни хоҳласалар, биз АДР ҳукуматининг шу йил 14 май таклифлари мазмунига асосланиб, улар билан амалий, ошкора ва конструктив равишда гаплашишга тайёрмиз.

Биз сўзда эмас, балки амалда тинчлик ва хавфсизлик тарафдоримиз. Покистон ва Эрон территориясидан бизга карши тўхтовсиз давом этаётган қуролли ивогарлик шаронтида имкони борича кўпроқ сабр-тоқат кўрсатяпмиз ҳамда масалани сиёсий йўл билан бартараф этиш мўлларини қидиришга сидқидилдан интиляпмиз. Биз қўшиналаримиздан ҳам душманлик ва пинҳона найрангларни бир чекка қилиб, мана шундай сидқидилдан ёндашишларини кутамиз.

Биз, афғон халқининг бахт-саодати йўлида курашимизда улуғ Советлар мамлакатининг, шонли КПССнинг қатъий мададкорлиги ва зўр интернационал ёрдамидан бахраманд бўлаётганлигимиз учун фахрланамиз, деди Б. Кармал. Совет Иттифоқининг Афғонистонга нисбатан ленинча сиёсати — амалдаги пролетар интернационализмининг ажойиб ва юксак намунасидир, революция йўлини, колониклдан қутулиш йўлини, тараққиёт йўлини танлаб олган халқимизга қардошлик ёрдамининг ёрқин намунасидир.

Йиллар ва асрлар ўтар, афғон халқи янги адолатли жамият қуриб олар, аммо у ўзининг оғаси ва самимий дўсти — Совет Иттифоқи халқидан абадул-абад миннатдор бўлиб қолади. Ўз миллий бурчимизни бажо келтириб, афғон революциясини ҳар томонлама ва бегараз қўллаб-қувватлаганлигингиз учун, революциямизнинг тактирида доимий диққат-эътиборингиз учун, АДР халқига берган жуда катта ёрдамингиз учун совет дўстларга, улуғ Ленин партиясига, ўртоқ Леонид Ильич Брежнев, шахсан Сизга ва бошқа совет раҳбарларига яна бир бор астойдил миннатдорчилик изҳор этамиз. АХДП билан КПСС ўртасидаги мустаҳкам ва қардошлик алоқалари, Совет Иттифоқи революциямизни халқаро майдонда салмоқли қўллаб-қувватлаганлиги — мана шуларнинг ҳаммаси бизни эркин ва мустақил Афғонистоннинг меҳнатсевар халқи мафаатларини кўзлаб революцион жараённи ривожлантириш соҳасида янги-янги ишларга руҳлантиради.

Б. Кармал тинчлик, озодлик ва тараққиётнинг енгилмас, ишончли таянчи — Совет Иттифоқи шарафига, Афғонистон ва Совет Иттифоқи халқлари ўртасидаги бузилмас қардошларча дўстлик шарафига, АХДП билан КПСС ўртасидаги, иккала мамлакат ўртасидаги ажойиб самарали қардошларча ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва равнақ топтириш учун табрик хитоблари айтди.

* * *

Л. И. Брежнев ва Б. Кармал нутқлари зўр эътибор билан тингланди ва давомли қарсаклар билан қутиб олинди.

Зиёфат самимий, дўстона вазиятда ўтди.

(ТАСС).

Таниишинг: Зайнаб Азизова. Тошкент асбобсозлик заводининг илғор ишчиси. «Ҳурмат Белгиси» ордени наврали. Учинчи бош йиллик топшириқларини ўтган йилиёқ уддалаб, айни кунларда 1982 йил ҳисобига меҳнат қилмоқда. Пешқадам ишчи—З. Азизова КПСС XXVI съезди шарафига бошланган социалистик мусобақада олдинда бораяпти.

В. Сироткин фотоси.

Мусобақа Юлдузлари

ЕҚИЛГИ КЎПАЯДИ

Сурхондарёнинг «Шаргунская» шахтасида янги кўмир ҳавзаси фойдаланишга топширилди. Бу ерда ёқилгининг 3 миллион тоннадан кўпроқ саноат запаслари борлиги аниқланди. Кўмир ҳавзасини ишга солиш натижасида ҳар йили ёқилги қазиб чиқаришни 10—12 процент ошириш мумкин бўлади.

Давлат комиссиясининг таъкидлашича, янги кўмир ҳавзасини тайёрлашда Ўрта Осиёда энг юксак суръатларга эришилган. Коммунист Виктор Пивнев бригадаси съездолди вахтасида туриб, бу ишни муддатидан тўрт ой олдин бажарди. Меҳнатни оқилона ташкил этиш, проходка мобайнида турли операцияларни бирлаштириш туфайли ана шундай катта муваффақиятга эришилди.

Шаргуи проходкачиларининг бу қимматли тажрибасини «Средазуголь» бирлашмасининг корхоналарига кенг ёйиш лазарда тутилмоқда.

ҲАМКОРЛИК ТУФАЙЛИ

Туямўйин гидроузели ГЭСи гидро турбинасининг биринчи статори мудатидан илгари монтаж қилиб бўлинди ва иккинчи машинанинг назбатдаги статорини йиғиш ишлари бошланиб кетди. Бу ишларни Нурек шаҳридан келган Анатолий Клюсов бошлиқ комсомол-ёшлар бригадасининг азамат монтажчилари бажармоқдалар.

Бу илғор коллектив беш йилликнинг якуниовчи йили топшириқларини муддатидан илгари ado этиб, машина ва механизмларни монтаж қилиш ишларини жадал ва ижодий тарзда амалга аширмоқдалар. Бригада коллективи КПСС XXVI съездини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш мақсадида 1981 йил топширигини 23 февраль куни тўла бажаришга сўз берди.

ЯНГИ МАРРА

«Ферганаводстрой» трести 5-қурилиш-монтаж бошқармасининг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, моҳир экскаваторчи Машраф Раҳимқулов бошлиқ экипаж навбатдаги ўнбиринчи беш йиллик топширигини ҳам ado этди.

Коллектив КПСС XXVI съезди ҳамда Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди шарафига мусобақани кундан-кунга авж олдириб, янги суғориш каналлари барпо этиш ҳамда янги ерларни текислаш соҳасида Марказий Фарғонада катта ишларни ado этаётир. Экипажнинг меҳнатсевар механизаторлари йил охиригача икки беш йилликка қўшимча равишда камида 100 минг кубометр тупроқ ишларини бажаришга қарор қилди.

ФИНЛЯНДИЯ МАДАНИЯТИ БАЙРАМИ ТУГАДИ

Ўзбекистон ССРда Финляндия маданияти кунлари бир ҳафта давом этди. Бир ҳафта мобайнида республиканинг турли томонларида — энг яхши концерт залларида, саноат корхоналарида, пахта далаларида Суоми ўлкасининг куй ва қўшиқлари янгради. Минглаб тошкентликлар ва Ўзбекистон пойтахтининг меҳмонлари фин рассомлари, ҳайкалтарошлари, гиламдўзларининг асарлари қўйилган вистовкалар билан, шиша ва фотовиставка экспозициялари билан танишдилар, Финляндия кинематографиячиларининг бадиий ва ҳужжатли фильмларини томоша қилдилар. Шундай қилиб, байрам ҳам охирига етай деб қолди. Ўнлаб концертлар, учрашувларда танилган фин артистлари ва рассомлари, «Финляндия-СССР» жамиятининг активистлари иштирок этдилар. Маданият кунларида Финляндиянинг СССРдаги элчиси Яакко Халлама қатнашди.

17 октябрь куни матбуот конференцияси бўлиб ўтди. Унда меҳмонлар байрам ҳақидаги таассуротларини, Ўзбекистонда барча курганларини бақам кўришди.

— Совет Ўзбекистонида Финляндия маданияти кунлари юксак даражада ўтди, — деб таъкидлади Финляндия давлат маслаҳатчиси, «Финляндия-СССР» жамиятининг раиси Мартти Миеттунен. — Маданият кунлари Хельсинкида бўлиб ўтган Умумевропа кенгашининг Якуниовчи акти руҳида батамом мос бўлиб тушиб, бизнинг фикримизча халқларимиз ўртасидаги ўзаро, ҳар томонлама дўстона муносабатларни янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш ишига ҳамда мамлакатларимиз интилаётган тинчлик ишига салмоқли ҳисса қўшади.

Ўзбекистонда экономика, фан ва маданиятнинг юксак суръатларда ривожланаётганлиги, ўнинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун, КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун ишлар ado этаётир. Экипажнинг меҳнатсевар механизаторлари йил охиригача икки беш йилликка қўшимча равишда камида 100 минг кубометр тупроқ ишларини бажаришга қарор қилди.

«КОСМОС-1216» ПАРВОЗДА

1980 йил 16 октябрь куни Совет Иттифоқида Ернинг навбатдаги сунъий йўлдоши «Космос-1216» учирилди.

Йўлдош ичига ўрнатилган илмий аппаратлар космик фазони тадқиқ қилишни давом эттириш учун мўлжалланган.

Йўлдошга ўрнатилган аппаратлар нормал ишлаб турибди. Координациялаш-ҳисоблаш маркази олиқаётган ахборотларни ишлаб чиқмоқда.

(ТАСС).

ОЛТИ МИЛЛИОН ЙЎЛЛАРИДА...

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ЙЎЛЛАНМАСИ БИЛАН

2. ОТА МЕРОС

Жиззахдаги сўлим хиёбонлардан бирида бронзадан ишланган юст кўзга ташланади. Бу камтарин ҳотира икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, пахтачиликнинг тарихининг сўнмас юлдузларидан бири Ҳамроқул ота Носиров сиймосини акс эттиради. Ота колхоз тузумининг дастлабки куналаридан коллектив хўжалик галаваси учун курашди, ўз қишлоғида уюшган дастлабки артель — «Октябрь 10 йиллиги»нинг актив ташкилотчиларидан бири бўлди ва, ниҳоят, Ленин ордени «Москва» колхозига қарийб 40 йил узлуксиз раислик қилди. Тўрт жуфт хўкиз ва оддий омоч билан деҳқончилик бошлаган артель унинг куз унгида йилига 16000 тоннадан «оқ олтин» етиштирадиган улкан пахта қонига, кўп тармоқли йирик хўжаликка айланди. Машъал «Москва» колхози республикада пахтачиликнинг етук ва намунали лабораториялари-дан бири бўлиб қолди.

ОДАМЛАР яқиндагина унинг ёнига оғиб келар, биров маслаҳат оларди, биров ҳол-аҳвол сураганч, яна биров иш билан йўқларди. У каттаю кичикни барабар қабул қилар, уйдами-идорадами бировнинг шаштини синдирмасди. Энди одамлар оғиғи унинг ҳайкали понида. Ҳамон унинг ёнидан одам узилмайди. Ота бутун ҳаётини эл-юрт ташвишида ўтказди. Ҳамон у шу қиёфада — хайрли ташвишлар оғушида бир зум ўзини унутган мисол чуқур хаёлга чўмиб турибди...

— Неча колхоз неча процент пахта берди? — сўради раис ҳаётининг сўнгги соатларида, оғир бетоблик оғушида.

— Олти процент, — деди Тоҳиржон ва бемор отасининг аҳволидан оғир вазиятга тушган ҳолда ташвишланиб шивирлади: — Ҳозир пахтани ўйламанг, ҳаммаси яхши кетяпти...

— Ростми шу? — такрор сўради раис. Афтидан, Тоҳиржоннинг сўнгги сўзи қулоғига кирмаганди.

— Рост, дада, 6 процент...

Тоҳиржон ҳамон аниқ айтолмайди, дадаси бу сўнгги сўзни эшитолдими ёки йўқми? Шуниси аниқки, унинг энг сўнгги саволи пахта эди, энг сўнгги нафаси ҳам пахта ташвиши билан абадиёт сари йўл олди.

Чўл қўйнида Ҳамроқул отанинг тўрт ўғли пахта тераётгани ҳақида бизга Арнасой район партия комитетининг биринчи секретари Аҳад Соибназаров сўзлаб берди.

— Бир-биридан ажойиб йигитлар! — деди секретарь завққа тўлиб, — отанинг ўзига муносиб фарзандлар... Истасангиз, кўриб келамиз, табриклаб қўйсак ҳам чакки бўлмас.

Ўша куни Арнасой райони зафар маррасидан ошган дастлабки кун эди. Телефон тинимсиз жиринглайди, табрик устига табрик. Бизнинг ажабланганимизни сезган секретарь маъноли жилмайиб:

— Ғалабамизга ҳисса қўшганларнинг ҳаммаси биз учун ардоқли, азиз, — деди у миннатдорчилик туйғуси билан. — Бироқ, ака-укаларнинг улуши чакки бўлмади. Бугунги кунда улар терган пахта 1000 тоннага етди.

Аҳад Соибназаров стол устидан ака-ука Носировлар имзо чеккан рапортни олиб бизга узатаркан, «бориб келмасак бўлмайди» дегандек қараб қўйди. Бу самимий ишора йигитлар ғайратига берилган юксак баҳо ҳам эди. Йўл-йўлакай ота ва унинг изидан йўл солган фарзандлар хусусида илиқ сўз борарди.

Бу онлада пахта меҳри, пахта ташвиши янгилик эмас. Ака-укалар шу ташвиш қучоғида усдилар. Бу онларнинг энг севимли машғи, суҳбати пахта эди ва шундан бўлиб қолмоқда. Пахта ҳаваси уларга ота мероси бўлиб қолди.

Тоҳир Ҳамроқулов терим машинаси рулига утиргани-да қўли штурвалга етар-етмас, педални ҳам куч билан базур босарди. «Москва» колхозининг илғор механизатор-бригадири Карим Исоқулов Тоҳиржонга устозлик қилганди. Ушанда Тоҳиржон еттинчи синфда ўқир, табиатан чайир, эвараси пишиқ ўспирин эди. Қаторасига тўрт йил Карим Исоқулов бригадасида пахта терди, машинани пахта эгаллаб олди. Ҳудди шу ерда у пахтачиликка астойдил меҳр қўйиб, Самарқанд қишлоқ хўжалик институтига ўқишга кирди. Институтни имтиёзли диплом билан тугатди, аспирантурада олиб қолишга тавсия қилинди. Тез орада кандидатлик диссертациясини муваффақиятли ёқлаб, қишлоқ хўжалигининг янги истиқболли проблемаси устида ишлай бошлади. Бироқ, илмий муҳитдан амалий ишга ўтишга тўғри келди. Бир неча йил Жиззах область партия комитетида қишлоқ хўжалик бўлими мудирининг ўринбосари бўлиб ишлади. Ҳозир эса бўлим мудири.

Кейин терим машинаси штурвалига Одилжон ўтирди. Унинг ёнига Олимжон қўшилди. Энди ака-укалар бир-бирига терим машинасини бошқаришни ўргатар ва ўз навбатида эстафета қўлдан-қўлга ўтарди. Пардажон, Фурқатжон, Ғайратжон, Бобиржон... Мана, 15 йилдирки, Носировлар сулоласи терим машиналарини бошқариб эл-юрт ҳашарида актив қатнашадилар. Ота кўзининг тиригида уларнинг ҳар бирини меҳнат қучоғида тобланишга, ҳалол нон топишга ва, энг муҳими, эл ташвишидан четда турмасликка ўргата олди. Бу хислатлар аслида ота мерос эди.

ЮЛИУС Фучик номли хўжалик Арнасойда машҳур саркардалар номи билан аталган хўжаликларнинг сафдоши. Жуков, Рокоссовский, Ворошилов, Тимошенко, Гречко, Василевский, Конев... Совет халқининг суюкли фарзандлари, буюк саркардалар номи бу ерда мангу барҳаёт. Улар номи билан аталган хўжаликларда саркарда шарафи учун курашиш пахтакорларнинг эзгу ишига айланган. Саркардалар ёвдан енгилмаган, қийинчиликлардан чўчимаган, тўсиқларни писанд билмишган. Арнасойда уларнинг буюк жангговар хислати, барҳаёт руҳи пахта фронтига кўчган.

Ака-укалар экипажининг командири Олимжон Носиров бизни дала бошида қарши олди. Ўша куни туни билан ёмғир савалаб чиққанди. Машиналар ишга тушолмай турган экан. Олимжон, табиийки, шундан хуноб эди.

— Шошманг, яхши кунлар келади, — деб унинг кўнглини кўтарган бўлдик.

— Биз кетмай туриб келсада ўша яхши кун, — Олимжон кун санай бошлади. Маълум бўлишича, унинг меҳнат отпускаси тугашига 10 кун қолибди. Пахта мўлкўл. Машиналар тахт. Йигитларнинг ишлаб чарчамайдиган кезлари. Нотанти обҳаво тажанглик қиляпти. Начора, пахтанинг томи йўқ...

Олимжон машиналар ёнида турган укаларини тўплаб таништира бошлади:

— Пардажон, — деди қўзларидан олов чақнаб турган йигитнинг тирсагидан ушлаб. — Самарқанд қишлоқ хўжалик институтини тугатган, ўз қишлоғимизда участка агрономи.

—Олимжоннинг ўзини ҳам таърифлаб қўяй, — дейди Ю. Фучик совхозининг директори Йўлдош Зоҳидов.— Инженер-автомобилист. Терим машиналарининг билимдони. Жиззах автобус-таксомотор паркида директор муовини.

Олимжон гап ўзи ҳақида бўлаётганидан ноқулай аҳволда укаси Фурқатжонни таништира бошлади:

— Самарқанд давлат университетининг студенти—бўлажак юрист.

— Пахта қонунларини ўрганяпмиз денг! — луқма ташлади шерикларимиз ёш юристга.

— Шундай деса ҳам бўлаверади, — жавоб қилди ҳазил мутойибани илғаган Фурқатжон. — Чиндан ҳам пахтачилик катта қонуният — фақат умуминсоний қонуннят...

Бобиржон Носиров — экипажнинг кенжа аъзоси. У 10-синфда ўқийди. Акаларига ёрдамчигина бўлиб қолмай, ўз тахминига кўра, 150 тонна пахта териб қўйибди. Оилaнинг энг кенжаси — Ғайратжон қишлоқда, у ҳам пахта теряпти. Бироқ, онаси Роҳат аяни ёлғиз ташлаб кетмаслик бу йил Ғайратжоннинг чекига тушган. Ая эса, Ғайратжон орқали даладан ҳам хабардор. У кундузи пахта теради, кечқурун аяга колхозда пахта тайёрлашнинг борини ҳақидаги оператив маълумотни шарҳлаб беради. Ахир, бусиз мумкин эмас, Роҳат ая қарийб 40 йилдан буён шу жанговар маълумот билан нафас олган Ҳамроқул Носировнинг ёнида турди. Пахта маълумотларини эшитганда энтикиш аяга ҳам асли умр йўлдошидан мерос.

Ака-ука Носировлар ташаббусини арнасойликлар хушнуд қарши олишди. Улар кўп йиллардан буён бир жойда, бир маромда ва бир хил машинада пахта теришади. Ю. Фучик номли совхозда уларнинг ўз штаби бор. Сентябрь ойининг бошларида келиб ўз терим агрегатларини созлайдилар, мавсумга тайёр қиладилар. Дефолиацияни кузатадилар, деҳқонларга кўмак беришади. Бирови инженер, бирови агроном эмасми, уларга совхознинг тажрибаси, совхозга эса, уларнинг кучи асқотади. Оқибат — ака-укалар совхознинг ўз аъзоларига айланиб қолишди. Уларга энг оғир участкаларни ишониб топширадиган бўлишди. Йигитлар ишончни оқлаб келмоқдалар, ваъдага вафо қилишмоқда, жасорат, ватанпарварлик намуналарини кўрсатмоқдалар. Меҳнатсеварлик, ҳалоллик, тиришқоқлик, аҳиллик уларни эл назарига туширди, кўпнинг меҳрини қозондилар.

Аҳад Соибназаров ака-ука Носировлар ташаббусини шарҳлаб, давом этди:

— Биз бу ташаббуслан ўринли фойдаланмоқдамиз. Районимизда улар изидан борган оилавий экипажлар сони ортиб бормоқда. Бу эса, техникадан унумли фойдаланишда, уни асраб-авайлашда, йиғим-терим сифатини оширишда муҳим роль ўйнамоқда! Ака-ука Марқабой, Пейсанбой, Қозоқбой Жумабоевлар оиласи улардан ибрат олиб, 19 иш кунида 700 тонна пахтани бункерлардан тўкишди. Рокоссовский номли совхозда Ғани, Карим, Бобоқул Раҳимовлар оиласи 21 иш кунида 750 тонна пахта териб беришга муяссар бўлдилар. Айни пайтда Арнасойда дала гвардиячиларининг ажойиб авлодлари стишиб чиқди. Ашир Турғуков, Амина Калимулина, Эргаш Фозилов, Роза Назарова, Жўра Содиқов, Абдурашид Тўрабеков, Акрам Қулжонов каби механик-ҳайдовчиларнинг терган пахтаси 300 тоннадан ошиб кетди.

АРНАСОЙ — ўнинчи беш йиллик тенгдоши! Беш йилликнинг биринчи йилида 30 минг тонналикмаррага чиқиш амри маҳол бўлди. Иккинчи йили Арнасой коммунистларига Аҳад Соибназаров етакчилик қила бошлади. Ҳосилдорлик беш йиллик давомида 9 центнердан 24 центнерга, ялпи ҳосил 27 минг тоннадан қарийб 60 минг тоннага етди. Ўн биринчи беш йилликда ҳосилдорлик 30 центнерга, ялпи хирмон 80 минг тоннага етиши керак. Арнасойликлар келгуси беш йиллик учун ана шундай юксак марра белгилаб қўйдилар.

Сўнгги бир йили ичида Арнасойда бўлмаган одам район қиёфасини дарҳол таний олмай қолади. Район марказидаги посёлка Ғолиблар деб аталади. Бунинг ажойиб рамзий маъноси бор: Арнасой — Мирзачўл даштининг сўнгги нуқтаси, бу ердан Мирзачўл тугаб, Қизилқум бошланади. Демак, чўлқуварлар Мирзачўл адоғига нуқта қўяр экан, бу ерда қурилган посёлкани Ғолиблар деб атасалар бежиз эмас.

Чўлда биринчи сунъий кўл шу ерда барпо этилди. 10 гектарлик Чинор парки меҳнаткашлар ҳордиқ чиқарадиган ажойиб маскан бўлиб қолди. Чўлда биринчи усти ёпилган ишчилар бозори ҳам Ғолиблар посёлкасида кўпдан буён ишлаб турибди. Гоҳо қўшни районларнинг раҳбарлари ёпиқ бозор ва кўлнинг лойиҳасини, смета ҳужжатларини сўраб, Аҳад Соибназаровни жон-ҳолига қўйишмайди. Бироқ, бу лойиҳалар иш устида — хаёлда чизилганини, тасаввурда яратилганини айтишганда бир хил қўшнилар ишонишмайди. Ҳозир биргина Ғолиблар посёлкаси марказида 10 минг тупдан эшёд кўп йиллик чинор барқ уриб кўкариб турибди. Афсуски, биз кўп ҳолларда кўкарганини эмас, экилганларини санаймиз. Арнасойда эса, экилганини рўйхатга олишмайди, у ҳали ҳисоб эмас...

Тушга яқин енгил шабада турди, у кўкдан булутларни Арнасой қўллари томон шитоб билан суриб кета бошлади. Ғўзалар баргини ёмғир томчилари аста-секин тарк этди. Арнасой қумлоқ ер эмасми, тупроқда нам тўрмайди. Ғўза селкиндими, бас, машиналар мотори гуруллай бошлайди. Ака-ука Носировлар экипажи ҳам машиналар томон юра бошлади. Олимжоннинг чеҳраси ёришди. Бирин-кетин кенг далада ака-укалар моторларни ўт олдиришди. Бир зумда меҳнат фронтида моторларнинг гумбурлаган овози бир-бирига уланиб кетди. Аввал Бобиржон, сўнг Фурқат машиналар рулини пахтазорга буришди. Улар эгат бошидан 20—30 метр узалгач, Пардажон газ педалини босди, мотордан бўғиқ овоз билан қуюқ тутун чиқди. Улкан «зангори кема» қаттиқ силкинди-да, шитоб билан юриб кетди. Шу заҳотиёқ бункерлар ичига паға-паға оппоқ қор ёға бошлади.

Олимжон укаларини зимдан кузатди, уларнинг машинасига, мотор овозига қулоқ тутди: ҳаммаси жойида. Укаларнинг аҳди қатъий. Ҳар бир дақиқадан имкон борича фойдаланиш керак. То республика хирмони 6 миллион тоннага етмагунча бедор кунлар бедор тунларга уланаверади.

Олимжон бошқарган сўнгги агрегат ҳам эгат оралаб йўлга тушди. Бепоён пахтазор қўйнида ака-укалар қарийб ёнма-ён боришмоқда. Эгат бошида турганлар уларга суқланиб боқишади. Демак, фарзандлар ота изидан боришмоқда. Пахтакорлик касбини улуғлаган ака-укалар камтарин меҳнати билан одамлар қалбига йўл солишмоқда. Одамлар қалбини забт этиш ҳам фарзандларга ота мерос. Ота уларга ана шундай битмас-тугаммас ноёб мерос қолдирди.

Назир САФАРОВ,
Шараф УБАЙДУЛЛАЕВ,
Ғолиблар посёлкаси.

Ўзбекистон пахтачилиги тарихида ўчмас из қолдирган икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Жиззах районидаги Ленин орденли «Москва» колхозининг Фахрий раиси Ҳамроқул ота Носиров хотирасига колхоз хиёбонида ўрнатилган бюст.

Отаси изидан бориб пахтакор элнинг улуғ ҳашаригa астойдил бел боғлаган ака-ука Носировлар (чапдан ўнгга) — студент Пардажон, 10-синф ўқувчиси Бобиржон ва инженер Олимжонлар Арнасой районидаги Ю. Фучик номли совхоз далаларида фидокорона меҳнат қилиб, бункерлардан 1000 тоннадан ортиқ чўл дурдонаси тўкдилар.

ҚЎШИМЧА МАЖБУРИЯТ

«КПСС XXVI съездини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб оламиз!» — Съездолди социалистик мусобақасида ана шундай қутлуғ ният билан фаол қатнашаётган комбинатимиз коллективи яхши натижаларга эришмоқда. Улар ички резервлардан ва мавжуд кузатлардан унумли фойдаланиб, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар селмоғи ва сифатига алоҳида эътибор беришяпти. Жумладан, якунловчи йилнинг ўтган даври мобайнида маргарин, ёғ, мой тайёрлаш ва кедоқлаш план топшириқлари ошириб бажарилди. Маҳсулот реализация қилиш плани 102,2 процент адо этилди.

КПСС Марказий Комитетининг 1980 йил июнь Пленуми қарорларидан руҳланган коллективимиз ўнинчи беш йиллик планига қўшимча 5 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилишга сўз берган. Уч йилдирки, ростовликлар ташаббусига қўшилиб «Қолоқларсиз ишлаймиз!» шиори остида меҳнат қиляпмиз. Ҳозир комбинатимизда 750 нафар ишчи-хизматчи шахсий беш йиллик топшириқларини ошириб бажарди. Юзлаб кишилар якунловчи йил план топшириқларини бажариш арафасида турибди.

Эришилаётган ютуқларда Х. Раҳматуллаев раҳбарлик қилаётган пахта мойини тўйинтириш цехи коллективининг ҳиссаси катта. Ўтган йили пландан ташқари 2 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарган цех ишчилари шу кунларда 1981 йил ҳисобига маҳсулот топширмоқдалар. Меҳнат коллективи якунловчи йилнинг ўтган ойлари мобайнида 28.886 тонна тўйиғнан мой ишлаб чиқарди. Бу, пландагидан 3 миллион 240 минг сўмлик кўп маҳсулот, демакдир.

Съездолди мусобақасида актив қатнашаётган маргарин, майонез тайёрлаш цехлари меҳнат коллективларининг иши ҳам мақтовга молик. У. Содиқов бошлиқ маргарин цехи коллективи шу йилнинг июнь ойидан бошлаб ўн биринчи беш йиллик ҳисобига меҳнат қилмоқда. Цех йил охиригача планга қўшимча 9100 тонна маргарин ишлаб чиқариш мажбуриятини олган.

Комбинатда қўлга киритилаётган ютуқларга, шубҳасиз, корхона рационализаторлари ва ихтирочилари ҳам баракали ҳисса қўшмоқдалар. Айниқса, А. Раҳмонқулов, А. Алимов, И. Пиминов, А. Комиссаров, В. Ладур, М. Сорокин каби ўнлаб новаторлар бу борада барчага ибрат бўлмоқдалар. Уларнинг ҳалол ва фидокорона меҳнатлари эвазига биргина ўтган йили 30 минг сўмлик самара берадиган рационализаторлик таклифлари ишлаб чиқаришга жорий этилди. Ишчилардан М. Мирражабов, В. Дубинский, В. Романов, Л. Токарева, оператор Х. Комилова сингари кўплаб нишондор ишчиларимизнинг келгуси беш йиллик ҳисобига меҳнат қилаётганликлари билан фахрланамиз.

Улуғ Октябрнинг 63 йиллигини якунловчи йил ва умуман беш йиллик топшириқларини бажариш билан кутиб олишга бел боғлаган Тошкент ёғ-мой комбинати меҳнат аҳли қутлуғ сана — 7 ноябрга қадар планга қўшимча 2 минг тонна мой, 300 тонна маргарин ва 10 тонна майонез ишлаб чиқариш юзасидан оширилган мажбурият қабул қилди. Ишончимиз комилки, корхонамиз коллективи ҳар галгидек ўз сўзининг устидан чиқади.

А. ЖАМОЛОВ,
Тошкент ёғ-мой комбинати директори.

МАШЪАЛ ХЎЖАЛИК МАРРАГА ЕТДИ

АНДИЖОН. («Совет Ўзбекистони» мухбири). Машҳур пахтакор Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ўзбекистон ССР Олий Советя депутати Абдусамад Тиллабоев раислик қилаётган Избоскан районидаги «Партия XX съезди» колхози пахта тайёрлаш йиллик халқ хўжалик планини бажарди. Колхоз пахтакорлари Андижон хирмонига 7620 тоннадан зиёд «оқ олтин» тўкдилар. 2030 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 38 центнердан ҳосил териб олишди. Топширилган пахтанинг ҳаммаси биринчи сортга қабул қилинди.

Машъал хўжалик давлатга 4 минг тонна уруғлик пахта етказиб берди. Бу соҳадаги план тўлгач, «зангори кема»лар ишга солинди. Колхоз гвардияси бугунгача 2500 тонна пахта терди.

Усмонжон Худойбердиев, Самсоқбой Исмоилов, Бурхон Холматов, Усмонжон Акбаров бошлиқ бригадалар гектаридан 43—45 центнердан хирмон кўтардилар.

Колхоз пахтакорлари Октябрь чақириқларидан илҳомланиб давлатга яна 2000 тонна пахта топширишга сўз беришди.

А. ҚУРОНБОЕВ.

ПАХТАКОРГА ҲАММА МАДАДКОР

ПАХТАЗОР ЧОРЛАЙДИ

Шу кунларда пахтакорларимизнинг бутун куч ва диққат-эътибори КПСС XXVI съездини ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съездини муносиб кутиб олиш учун 5 миллион 850 минг тоннали «оқ олтин» хирмонини бунёд этишга қаратилган. Колхоз ва совхозларимизда етиштирилган умумхалқ бойлигининг бир миқдорини ҳам нобуд қилмай, йиғиб-териб олишда уларга кўмаклашмоқдамиз. Ешлар бир сўзли бўлишади. Бу ёрдамни шоншараф иши, ватанпарварлик бурчимиз деб биламиз.

М. ГАДОЕВА,
Ф. Энгельс номли Тошкент давлат чет тиллар педагогика институти инглиз тили факультетининг тўртинчи курс студенти.

УЧ ИШ КУНИДА

Съездолди умумхалқ социалистик мусобақасида олдинда бораётган Қорақалпоғистон автоном республикаси шоликорлари ва механизаторлари шоли ўриш ва янчиш ишларини тезкорлик билан олиб бормоқдалар. Давлатга шоли етказиб бериш суръати ҳам тобора ошиб бормоқда. Қатор звеналар, бригадалар шоли топшириш планларини бажарганликлари ҳақида ғалаба рапортларига имзо чеқяптилар.

Чимбой районидаги шоличиликка ихтисослаштирилган «Октябрь» совхозининг Турдибой Сейдонов раҳбарлик қилаётган звеноси аъзолари Қорақалпоғистон автоном республикасида биринчи бўлиб уч иш кунида шоли тайёрлаш планини ошириб адо этдилар. Звено деҳқонлари 30 гектар ернинг ҳар гектаридан 43 центнердан ҳосил кўтариб, ялпи хирмонни 140 тоннадан ошириб юбордилар. Улар ҳар гектар майдондан яна 17 центнердан шоли ўриб олиб, ҳосилдорликни 60 центнерга етказиш учун курашмоқдалар. Шоли ўришда жатка ҳайдовчи О. Қутимов, ўрилган шолини янчишда комбайнчилардан Б. Наженов, Н. Узоқовлар смена нормаларини икки ҳиссадан бажариб, социалистик мусобақада олдинда бормоқдалар.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ШОЛИКОРЛАРГА МУКОФОТЛАР

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан Ўзбекистон ССР Министрлар Совети шоли ўриб олиш, давлатга сотиш, уруғлик жамғариш ва шоли ташиш юзасидан областлар, районлар, совхозлар ва автоколонналар ўртасидаги социалистик мусобақанинг 1980 йил 16 октябргача бўлган ўн кунлик якунларини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг кўчма Қизил байроқларини қуйидагиларга қолдиришга қарор бердилар:

— Қорақалпоғистон АССРнинг **Кўнғирот райони** (район партия комитетининг секретари ўртоқ Абдиров; район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Матчонов, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Ешмуротов, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш ва сифатини текшириш бош давлат инспектори ўртоқ Адаубоев, «Сельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ Отеулиев). Бу район шоли ўриб олиш планини 73,8 процент, шу жумладан ўн кунликда 7,5 процент, давлатга шоли сотиш планини 73,4 процент, шу жумладан ўн кунликда 25,5 процент, уруғлик ғамлаш планини 30,3 процент, шу жумладан ўн кунликда 25,3 процент бажарган;

— Хоразм областининг **Гурлан райони** (район партия комитетининг секретари ўртоқ Машарипов, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Эшмуродов, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Худойберганов, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш ва сифатини текшириш бош давлат инспектори ўртоқ Иброҳимов, «Сельхозтехника» район бошқармасининг бошқарувчиси ўртоқ Жумамуротов). Бу район шоли ўриб олиш планини 90,4 процент, шу жумладан ўн кунликда 16,7 процент, уруғлик ғамлаб қўйиш планини 60 процент, шу жумладан ўн кунликда 9,2 процент бажарган.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг кўчма Қизил байроқлари қуйидагиларга берилди:

— **Қорақалпоғистон АССР** (область партия комитетининг секретари ўртоқ Камолов, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Айтмуротов, «Қорақалпоғистонсовхозстрой» бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Полвонов, Қорақалпоғистон ғалла маҳсулотлари ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Сойлиев, Қорақалпоғистон «Сельхозтехника» бирлашмасининг раиси ўртоқ Дошчонов). Автоном республика шоли йиғиштириб олиш планини 80,2 процент, шу жумладан ўн кунликда 16 процент, давлатга шоли сотиш планини 94,1 процент, шу жумладан ўн кунликда 40,9 процент, уруғлик ғамлаш планини 29,3 процент, шу жумладан ўн кунликда 10 процент бажарган. Байроқ Тошкент областидан олиб берилади;

— Хоразм область **Кўшкўпир районидаги «Кўшкўпир» совхози** (совхоз директори ўртоқ Жуманиёзов, партия ташкилотининг секретари ўртоқ Оллаберганов, ишчилар комитетининг раиси ўртоқ Рўзмиров). Бу совхоз шоли ўримйиғимини ва давлатга шоли топиришни тугаллади. Байроқ Тошкент область Ғалаба районидаги Калинин номли совхозидан олиб берилади;

— **Андижон область автомобиль трестининг йиғма автоколоннаси** (йиғма автоколоннанинг бошлиғи ўртоқ Аҳмадов, партия ташкилотининг секретари ўртоқ Маматқаримов, маҳаллий комитет раиси ўртоқ Тўхтамишев). Бу автоколонна ўн кунликда шоли ташиш планини 102,1 процент бажарган.

ҲУРМАТ ТАХТАСИ

Пахта тайёрлаш планини муддатидан илгари бажарганликлари учун қуйидаги районлар республика «Ҳурмат тахтасига ёзилсин:

Баҳористон райони — район партия комитетининг секретари ўртоқ Аметов, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Ораимқулов, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Бериев, район қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш-техника таъминоти бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ Осмонов, район суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Мақмудов, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ Расулов, қишлоқ хўжалик ходимлари район касаба союзи комитетининг раиси ўртоқ Холиқов;

Муборак райони — район партия комитетининг секретари ўртоқ Илиади, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Осмонов, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Норқобилов, район қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш-техника таъминоти бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ Халиллоев, район суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Туропов, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ Ғуломов, қишлоқ хўжалик ходимлари район касаба союзи комитетининг раиси ўртоқ Қаршиев;

Нишон райони — район партия комитетининг секретари ўртоқ Хушназаров, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Каримов, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Рўзиев, район қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш-техника таъминоти бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ Холёров, район суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Суванов, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ Хўжақулов, қишлоқ хўжалик ходимлари район касаба союзи комитетининг раиси ўртоқ Назаров.

ВАРШАВА ШАРТНОМАСИДА ҚАТНАШУВЧИ ДАВЛАТЛАРНИНГ БИРЛАШГАН ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИДА

15—17 октябрда Чехословакия Социалистик Республикасининг пойтахти Прага шаҳрида Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Бирлашган Қуролли Кучлари ҳарбий кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлди.

Бирлашган Қуролли Кучлар Бош қўмондони Совет Иттифоқи Маршали В. Г. Куликов раислигида ўтган ҳарбий кенгаш ишида ҳарбий кенгаш аъзолари, шунингдек Болгария Халқ армияси, Венгрия Халқ армияси, Германия Демократик Республикаси Миллий халқ армияси, Польша қўшинлари, Руминия Социалистик Республикаси армияси, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Қуролли Кучлари ва Чехословакия Халқ армиясининг вакиллари қатнашдилар.

Ҳарбий кенгаш Бирлашган Қуролли Кучлар ҳозирги фаолиятига доир масалаларни муҳокама этди ва бу масалалар юзасидан тегишли тавсиялар қабул қилди.

Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитети Бош секретари, Чехословакия Социалистик Республикаси Президенти ўртоқ Густав Гусак Бирлашган Қуролли Кучлар ҳарбий кенгашининг аъзоларини қабул қилди.

Ҳарбий кенгашнинг мажлиси дўстлик вазиятида, мустаҳкам ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик руҳида ўтди.

ЗИЛЗИЛАДАН ЗАРАР КЎРГАНЛАРГА ЁРДАМ

СССР Қизил Крест ва Қизил Ярим Ой жамиятлари союзи табиий офатдан азият чеккан Жазоир халқига совет кишиларининг ҳамдардлигини изҳор этиб, 15 октябрь куни Жазоир Халқ Демократик Республикасига самолётларда дори-дармонлар, медицина асбоблари, газлама, чодирлар жўнатди.

(ТАСС).

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИ:

Бекобод шаҳрида яшовчи газетхон Н. Икромов ўз хатида «Лесхоз» посёлкасида меҳнаткашларга маданий-маиший хизмат кўрсатиш иши оқсаётгани тўғрисида хабар берган эди.

Хатдаги фактлар Бекобод шаҳар ижроия комитетининг тегишли бошқармалари вакиллари томонидан текширилиб, муҳокама қилинди ва конкрет тадбирлар белгиланди.

Ҳозирги пайтда посёлкада магазин, медпункт ишлаб турибди. Транскиоска ремонт қилинди. Электр энергиясидан фойдаланиш яхшиланди. Телефон тармоғидаги айрим камчиликларга барҳам берилди. Посёлкани ичимлик сув билан яхшироқ таъминлаш мақсадида сув босими оширилди. Газетхон хатида кўрсатилган бошқа камчиликларни тугатиш чоралари кўрилмоқда.

БОЁВУТ РАЙОН СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ:

«Боёвут» совхозидан редакцияга хат йўллаган А. Холбековнинг эътирозига қўшиламиз. Совхознинг 8-бўлими билан «Боёвут» техникуми оралиғидаги автомобиль йўли қурилишини 3-Гулистон йўл қурилиши бошқармаси амалга ошириши керак. Ўн километр масофадаги бу йўлнинг биринчи участкаси қурилишига 400 минг сўмлик маблағ ажратилган бўлиб, ҳозирги пайтда бу объектда ишлар бошлаб юборилди. Йўлнинг иккинчи — беш километрли участкасини асфальтлаш эса 1981 йил планида кўзда тутилган.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ ЮТУҚЛАРИ КЎРГАЗМАСИДА

ҲАМКОРЛИК КЎЗГУСИ

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев партиянинг XXV съездида қилган ҳисобот докладида: «Асосий хўжалик проблемалари орасида ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш катта аҳамият касб этади, — деб таъкидлаган эди. — Биз ташқи иқтисодий алоқаларни спесий вазифаларни ҳам, иқтисодий вазифаларни ҳал этишга ёрдам берадиган самарали восита деб биламиз. Социализм мамлакатлари ҳамдўстлигининг куч-қудрати ва жипслиги иқтисодий интеграция йўлида мустаҳкамланиб бормоқда». Бунга Совет Иттифоқи билан Чехословакия Социалистик Республикаси ўртасидаги кардошларча дўстона муносабатлар яққол мисолдир. СССР Чехословакиянинг пойабзал, тўқимачилик, ҳамда безакбоп тақинчоқлар саноати маҳсулотлари, самарали экспорт ва импорт ҳажми бўйича асосий шериклардан бири деб ҳисобланади. Шунга кўра Чехословакиянинг ташқи савдо билан шуғулланувчи ташкилотлари мамлакатимизнинг турли шаҳарларида ҳар хил кўргазмалар ва янги модаларнинг намойишларини ўтказиб келмоқда. Сўнгги ўн йил ичида Чехословакия кўргазмалари ва модаларининг намойиши бепоён Ватанимизнинг Москва, Ленинград, Киев, Таллин, Ереван, Хабаровск, Фрунзе, Олмаота, Минск, Кишинёв, Бухоро ва Самарқанд сингари кўпгина йирик шаҳарларида ўтказилди.

Мана шундай анъанага кўра куни кеча Тошкентда, Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида Чехословакиянинг газламалари, кийим-кечаклари, пойабзаллари ҳамда безакбоп тақинчоқлари виставкаси тантанали равишда очилди. Уни Чехословакиянинг ташқи савдо ташкилотлари — «Центротекс», «Эксико» ва «Яблонэкс» уюштирган. Жами 620 квадрат метр саҳнни эгаллаган кўргазмадаги ранг-баранг экспонатлар орасида турли-туман, аъло сифатли ип-газлама, луб аралаш газламалар ҳамда сунъий шойидан тайёрланган газламалар, трикотаж буюмлар, тайёр пойабзаллар, гилам ва мебель маҳсулотларини кўрасиз.

Мазкур кўргазмани Чехословакия кийим-кечаклари саноатининг намунавий корхоналари ишлаб чиқарилаётган ранг-баранг безакбоп тақинчоқлар катта таассурот қолдирянти. Қардош корхона коллективлари қарийб 200 минг турдаги безакбоп тақинчоқлар, арча безаклари, металл, шиша, ёғоч, чармдан ишлаб чиқарилган сунъий гуллар ва безаклар тайёрламоқдаки, уларнинг аксарияти чет элларга чиқарилиб, харидорларни мамнун этаётир.

Чехословакия кўргазмасининг очилишига бағишланган матбуот конференциясида қардош социалистик мамлакатлардан келган меҳмонлар кўргазма доирасида Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг кинолекторий залида кунига бир неча марта хотин-қизлар ва эркаклар учун тикилган юз хилдан зиёд кийим-кечак модалари намойиш қилинмоқда.

— Ишончимиз комилки, — деди Чехословакия Социалистик Республикасининг СССРдаги савдо ваколатхонаси бошлиғи ўринбосари Ф. Свиталек кўргазманинг очилишига бағишланган матбуот конференциясида, — Тошкентда намойиш қилинаётган бу кўргазма ўзаро савдо алоқаларини янада кенгайтиришга хизмат қилибгина қолмай, Чехословакия ва Совет Иттифоқи халқлари ўртасидаги дўстона муносабатларни чуқурлаштириш, ҳамда мустаҳкамлаш ишига катта ҳисса қўшади.

Т. УНАБОЕВ,
Э. ХЎЖАЕВ.

Суратларда: дўстларимиз маҳсулотларидан намуналар.

А. Тўраев фотолари.

ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ФИНЛЯНДИЯ МАДАНИЯТИ КУНЛАРИ

ДЎСТЛИК ТАРОНАЛАРИ ЯНГРАМОҚДА

Концерт заллари ва театрларда, саноат корхоналари ва пахтазорларда Суоми мамлакатининг тароналари янграмоқда, Ўзбекистон ССРда Финляндия маданияти кунларининг иштирокчилари республика меҳнаткашлари билан учрашмоқдалар. Шундай учрашувларнинг бири Андижон область, Хўжаобод районидаги «Ленинград» колхозида ўтказилди. Меҳмонлар КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олишга ҳаракат қилаётган деҳқонларнинг иши билан қизиқиб танишдилар. Колхозчилар «Турин кийкурит» халқ рақс ансамбли ва «Канкаан пелиманнит» халқ музикаси ансамбли қатнашчиларининг концертларини қарсаклар билан кутиб олдилар.

Андижонда дўстлик кечаси ўтказилди. Бу кечанинг қатнашчилари Финляндия маданияти байрами Финляндия билан Совет Иттифоқи ўртасидаги ҳар томонлама алоқаларни янада кенгайтириш учун муҳим аҳамиятга эга эканлиги тўғрисида гапирдилар. Финляндия маориф министрлиги бўлимининг мудири Олли Нярвя андижонликлар билан учрашув вақтида сўзлаган нутқида бундай деди:

— Мен Совет Иттифоқидагидек меҳнат ғайрат-шижоатини бошқа ҳеч қаерда кўрган эмасман. Бу ерда барча кишилар келажакка астойдил ишонганлари ҳолда ҳамма ишни эркин бажармоқдалар. Бу тинч меҳнат эканлиги жуда муҳимдир. Бунинг боиси шуки, совет кишиларининг ҳамма иши ва фикр-зикри халқлар билан, шу жумладан фин халқи билан дўстликка интилиш руҳи билан суғорилган.

Маданият кунлари қатнашчиларнинг бошқа бир группаси Фарғона областида бўлди. Санъатшунослик доктори Сойли Санисалонинг Фарғона политехника институтида Суоми мамлакатининг маданияти ҳақида, Финляндия билан СССР ўртасидаги дўстона муносабатларни мустаҳкамлаш тўғрисида ўқиган лекцияси катта қизиқиш туғдирди. Марғилондаги «Атлас» ишлаб чиқариш бирлашмасида уюштирилган учрашув самимий руҳда ўтди. Меҳмонлар корхонанинг цехларига бориб, тўқувчилар билан суҳбатлашдилар.

(ЎзТАГ).

Реклама ва эълонлар

Театр

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 18/X да Олтин девор, 19/X да Абу Али ибн Сино.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 18/X да Тўйдан олдин томоша, 19/X да Ур, тўқмоқ (16.00), Тошкентнинг нозанин малиқаси (19.30).

●

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА
МОСКВА ЦИРКИ АРТИСТЛАРИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ
(2 бўлимда)
ПРОГРАММАДА:
«ДЕНГИЗ ЭРМАКЛАРИ» АТТРАКЦИОНИ
Доғистон АССР халқ артисти Михаил ИВАНОВ раҳбарлигида Дорбозлар билан айиқларнинг чиқишлари
Ургатилган эчкизмарлар
Захарли гюрза илони
Иккита ҳиид бўғма илони билан олишув.
Касса соат 10.00дан 20.00гача ишлайди.
Телефонлар: 44-35-84, 44-35-91.

●

ВАСХНИЛнинг Ўрта Осиё бўлими
ЎРТА ОСИЁ ИПАКЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ипак қурти учун сунъий озуқа яратиш лабораторияси бўйича
ВАКАНТ ВАЗИФАЛАРГА
КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ
мудир: биохимик ихтисоси бўйича (фан доктори ёки кандидати);
катта илмий ходимлар — биохимик ва химик-технолог ихтисоси бўйича фан кандидати (2 ўрин).
кичик илмий ходимлар — биохимик, химик-технолог (2).
КОНКУРС МУДДАТИ — 2 НОЯБРГАЧА.
Ҳужжатлар қуйидаги адресга юборилсин: 702044, Тошкент область, Калинин район, Жаҳарик алоқа бўлими. Телефонлар: 46-16-01, 46-36-04.

●

Х. М. СУЛАЙМОНОВА НОМИДАГИ ТОШКЕНТ СУД ЭКСПЕРТИЗАСИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҚОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ
лабораторияларнинг кичик илмий ходимлари: ҳужжатларнинг криминалистик экспертизаси (юрист), материаллар ва моддаларни криминалистик тадқиқотлаш (2 ўрин — физик ва умумий энергетика бўйича мутахассис).
КОНКУРС МУДДАТИ — 12 НОЯБРГАЧА.
Мурожаат учун адрес: 700115, Тошкент шаҳри, Чилонзор кўчаси, 29-уй. Телефон 77-23-55.

●

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг МИКРОБИОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ лабораториялар бўйича
ВАКАНТ ВАЗИФАЛАРГА
КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ
ФЕРМЕНТОЛОГИЯ — микробиология ихтисоси бўйича кичик илмий ходим;
ТУПРОҚ МИКРОБИОЛОГИЯСИ — микробиология ихтисоси бўйича кичик илмий ходим.
КОНКУРС МУДДАТИ — 26 ОКТЯБРГАЧА.
Ариза ва ҳужжатлар қуйидаги адресга юборилсин: 700143, Тошкент шаҳри-143, Академиклар шаҳарчаси.

●

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ЎСИМЛИКЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ БИОЛОГИЯСИ ИНСТИТУТИ
маданий ўсимликлар экологияси лабораториясининг кичик илмий ходими
ВАКАНТ ВАЗИФАСИГА
КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ
КОНКУРС МУДДАТИ — 14 ноябргача.
Ҳужжатлар қуйидаги адресга юборилсин: Тошкент шаҳри, ГСП, Ф. Ҳўжаев кўчаси, 26-уй.

Оламда нима гап

ТИНЧЛИК УЧУН

КУРАШНИНГ ОЛДИНГИ САФИДА

Чет эл матбуоти, кўп мамлакатларнинг таниқли сиёсат ва жамоат арбоблари КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневга тинчлик ва ҳамкорлик учун халқаро «Олтин Меркурий» мукофоти берилганлигини ҳали ҳам шарҳламоқдалар. Бу юксак мукофот — КПСС ва Совет давлати раҳбарининг тинчликни мустаҳкамлаш, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ва чуқурлаштириш йўлидаги курашга қўшган жуда катта ҳиссасидан далолат берувчи яна бир нишона эканлиги таъкидланмоқда.

Раис Л. И. Брежнев кескинликни юмшатиш ва тинчликни мустаҳкамлашга, турли мамлакатлар ва халқлар ўртасида тенг ҳуқуқли ҳамкорликни ривожлантиришга қанчадан-қанча куч ва ғайрат сарфлаётганини бутун дунё кўриб турибди, деди «Олтин Меркурий» мукофоти фахрий халқаро комитетининг вице-президенти Энрике де Ла Мата Горостисага (Испания). Ҳозир биз тинчлик шароитида яшаётган эканмиз, бунда Совет Иттифоқи билан унинг раҳбарининг хизмати жуда катта. Тинчлик эса инсониятнинг улуғвор ғалабаси ва неъматидир.

Совет раҳбарига «Олтин Меркурий» халқаро мукофотининг берилиши — СССРнинг халқаро иқтисодий алоқалар ривожига қўшган ва қўшаётган жуда катта ҳиссасидан яна бир далилдир, деб таъкидлади Италия — Совет савдо палатасининг бош секретари Эмилио Рокки. Савдо-сотиқ кескинлик шароитида, жанжаллар ва можаролар вазиятида муваффақиятли ривожланиши мумкин эмас. Иккинчи томондан, халқаро иқтисодий ҳамкорликнинг ўзи — давлатлар ва халқлар ўртасида тинчлик ҳамда яхши муносабатларни мустаҳкамлашнинг муҳим омилидир. Шарқ билан Ғарб ўртасидаги савдо-сотиқ ишкала томонга манфаатлидир, шу сабабли бу тенг ҳуқуқли савдо-сотиқни ривожлантириш — кескинликни юмшатиш ва тинчлик ишини қаттиқ туриб ҳимоя қилиш демакдир.

Бизнинг потинч давримизда, инсоният маданиятини ҳалокат ёқасига олиб борибқўя оладиган оммавий қирғин воситалари бир неча давлат қўлига тўпланган бир пайтда халқаро савдо-сотиқнинг тинчлик келтирувчилик роли айниқса, катта, деб таъкидлайди Венгрияда чиқадиган «Непсабадшаг» газетаси. СССР турли иқтисоий тузумдаги давлатларнинг тенг ҳуқуқли ҳамкорлиги учун тинимсиз курашиб келмоқда. Муайян империалист доиралар, айниқса кескинликни юмшатишга душман бўлган АҚШдаги доиралар бу йўлга қаршиликлар қилишга уринмоқдалар. Л. И. Брежнев «Оксидентал петролеум» фирмаси директорлари правлениесининг раиси А. Хаммер билан суҳбат чоғида тўла асос билан шуни таъкидладики, Қўшма Штатлар халқаро кескинликни кучайтириш йўлини давом эттириши ва қуролланишт пойгасига қамчи босиши халқаро муносабатларни бундан ҳам кўпроқ издан чиқаришга, уруш хавфининг кучайишига олиб боради. Бу йўл халқларнинг, шу жумладан Америка халқининг ҳам манфаатига мос келмайди.

«Олтин Меркурий» юксак мукофотига сазовор бўлган совет раҳбари АҚШни реалистик сиёсат ўтказишга, кескин халқаро проблемаларни, аввало қурол-яроғларни чеклаш ва қисқартиришга таллуқли масалаларни ҳал этишда СССР билан амалий ўзаро ҳаракатни яна бошлашга чақирмоқда, деб таъкидлайди Американинг АП ахборот агентлиги. «Оксидентал петролеум» фирмаси директорлари правлениесининг раиси А. Хаммер Москвадаги матбуот конференциясида Л. И. Брежневнинг гапларига асосланиб айтганидек, савдо-сотиқ — ўзаро манфаатли битимлар тузиш имконини берадиган, давлатларнинг бирбирига ишончини мустаҳкамлайдиган бир кўприкдир, деб хабар қилади агентлик.

(ТАСС).

ИРОҚ—ЭРОН МОЖАРОСИГА ДОИР

БАҒДОД. Ироқ қўшинлари Ободон шаҳрини ишғол этиш ва Эрондаги Хузистон вилоятининг маъмурий маркази — Аҳвоз устидан назорат ўрнатиш учун зўр бермоқдалар. Олинаётган хабарларга кўра, илғор бўлинмалар Ободондан бир неча километр қарида турибди. Улар шаҳарга олиб борадиган йўлларни кесиб қўйдилар ва шаҳар радиостанциясини ишғол этдилар. Эроннинг стратегик жиҳатдан муҳим шаҳри Дизфул ва Дехлоран шаҳри ҳам қуршаб олинган. Дизфул Ироқ — Эрон чегарасидан 80 километр нарида жойлашган.

ТЕҲРОН. Ҳарбий ахборотларга кўра, кейинги икки кун ичида Эрон қўшинлари билан Ироқ қўшинлари ўртасидаги жанглар фронтнинг жанубий, шунингдек шимолий участкаларида айниқса шиддатли бўлди. Иккала томон авиацияси анча актив ҳаракат қилди. Эрон оммавий ахборот воситалари хабар қиладики, Ироқ қўшинлари мамлакат нефтни қайта ишлаш саноати маркази Ободон шаҳрини ишғол этишга уринишларини ҳамон давом эттирмоқда ва унга узоққа отадиган тўплардан ўқ ёғдирмоқда. Шаҳар устидаги ҳаво жангида Ироқнинг битта қирувчи самолёти уриб туширилди. Граждан аҳоли ўртасида ўлганлар бор. Ободондан Аҳвоз ва Меҳшаҳарга олиб борувчи тош йўл бўйлаб ерда жанглар олиб борилмоқда. Ироқликларнинг Ҳуррамшаҳрни батамом эгаллашга бўлган актив уринишлари давом этмоқда. Улар шаҳар чеккаларига яқинлашди.

Фронт бўйлаб сафар қилган Эрон президенти Банисадр Дизфулда жойлашган қисмларнинг қўмондонлари билан учрашди.

Эрон қуролли кучлари бирлашган штабининг ахборотида айтиладики, Илом вилоятида Эроннинг десантчилари душманнинг икки истеҳкомини, 11 танки ва ўқдори, ҳарбий анжом омборларидан бир нечтасини тормор келтирганлар. Штабнинг билдиришича, шу районда Ироқнинг мингдан кўпроқ ҳарбий хизматчилари ўлдирилган.

Эрон ҳарбий денгиз кучларининг қўмондони Афзалий «Иттилоат» газетасининг мухбири билан қилган суҳбатида айтдики, «Президент Каетер ва унинг иттифоқчилари Яқин Шарқ нефтининг юборилиши хусусида ташвишланаётганликлари шу регионда ажнабий байроқ тиккан қуролли кучларни кўпайтириш учун бир баҳонадир, холос». У айниқса Форс қўлтиғидаги давлатлар учун Американинг ҳарбий ҳозиру-нозирлиги кучайиши хатарли эканлигини айтди.

(ТАСС, 16 октябрь).

БУГУНГИ АФҒОНИСТОН

Октябрь ойининг шу кунларида Афғонистон пойтахти куз жамоли билан яшнаган. Ҳобулдан шимоли ғарбдаги Ҳиндуқуш тоғи чўққиларига бирнинг қор ёғиб, қиш бошланганлигидан дарак берган бўлса-да, шаҳарда ҳамон қуёш чарақлаб турибди.

1978 йилнинг апрелида Афғонистонни ғулғулага солган революция шу кўҳна давлат тарихида бурулиш пайти бўлди, у феодаллар, судхўрлар, катта заминдорлар меҳнаткашларни эзишларига ва мустабидликка чек қўйди, одамни одам эксплуатация этишилан ҳали бўлган янги жамият қуриш йўлларини белгилаб берди.

Ўтган 2,5 йил Афғонистон халқи учун қийин йиллар бўлди. Контрреволюция ҳанузгача қуролини ташлагани йўқ: собиқ эзувчилар бой берилган мавқеларини яна қайтариб олиш орзусида юрибдилар. Аслида империализм ва реакция тегирмонига сув қуйган демагог Ҳ. Амин диктатураси даври оғир давр бўлди.

Афғонистон халқи ўтган йилнинг охирида шу жаллод режими ағдариб ташланганлигини қизғин табриклади. 27 декабрда инқилоб ўз тараққиётининг миллий демократик характерини акс эттирувчи янги босқичига кирди. АХДП Марказий Комитетининг Бош секретари, АДР Революцион кенгашининг Раиси ва Бош министри Бабрак Кармал бошчилигидаги АДР раҳбарлари Апрель инқилоби белгилаб берган ва меҳнат аҳлининг орзу-умидларига мос бўлиб тушган мақсадларни амалга ошириш йўлидаги конкрет қадамларни режалаб олдилар. АДР ҳукумати изчил ва оқилона сиёсат ўтказмоқдаки, у халқнинг партияга, инқилобга бўлган ишончини яна қозонмоқда.

Эрон қуролли кучлари бирлашган штабининг ахборотида айтиладики, Илом вилоятида Эроннинг десантчилари душманнинг икки истеҳкомини, 11 танки ва ўқдори, ҳарбий анжом омборларидан бир нечтасини тормор келтирганлар. Штабнинг билдиришича, шу районда Ироқнинг мингдан кўпроқ ҳарбий хизматчилари ўлдирилган.

Эрон ҳарбий денгиз кучларининг қўмондони Афзалий «Иттилоат» газетасининг мухбири билан қилган суҳбатида айтдики, «Президент Каетер ва унинг иттифоқчилари Яқин Шарқ нефтининг юборилиши хусусида ташвишланаётганликлари шу регионда ажнабий байроқ тиккан қуролли кучларни кўпайтириш учун бир баҳонадир, холос». У айниқса Форс қўлтиғидаги давлатлар учун Американинг ҳарбий ҳозиру-нозирлиги кучайиши хатарли эканлигини айтди.

(ТАСС, 16 октябрь).

РЕВОЛЮЦИОН КУЧЛАР АКТИВЛАШМОҚДА

САН-ХОСЕ, (ТАСС). Генерал Лукас Гарсия диктаторлик режимини ағдариб ташлаш учун курашаётган Гватемала қуролли халқ ташкилоти — ҳарбий-сиёсий гуруҳ қўйидагиларни таъкидлади: Қўшма Штатлар Гватемалада террор ва жабр-зулм кучайтириб юборилганлиги учун жавобгардир.

Ташкилотнинг бу ерда эълон қилинган ахборотида ўқтириб ўтилишича, Вашингтон Гватемаладаги халққа душман бўлган режимни ва бу режимнинг инсон ҳуқуқларини поймол этаётганлигини сўзлагина танқид қилиб, амалда унга кўп миқдорда молиявий ва ҳарбий ёрдам бермоқда. Бу режим АҚШ назоратидаги Америка мамлакатлараро ривожланиш банки ва жаҳон банки орқали олинаётган пул ҳисобига ўз армиясини ва кўпдан-кўп ўта ўнг террорчи гуруҳларни куроллантирмоқда. Бу гуруҳлар гватемалаликларнинг озодлик ва демократия йўлидаги курашини қон дарёсига ғарқ қилишга уринмоқдалар.

Қуролли халқ ташкилоти мамлакатдаги аҳволни таҳлил қилиб, революцион кучларнинг активлашиб бораётганлиги ҳозирги сиёсий вазиятнинг ҳал қилувчи омили, деб таъкидлади.

Оммани жангга сафарбар қилиш, дейилади ахборотда, маъмурларнинг авж олдириб юборилган террорига жавобдир. Ватанпарварлар режим армиясига қарши уруш ҳаракатлари давомида янги ғалабани қўлга киритмоқдалар ва бу режимнинг аскарлари ҳамда техникасига катта зарар етказмоқдалар.

Ҳужжат Гватемаладаги чирик режимга қатъий зарба бериш учун диктатурага қарши бўлган ҳамма кучларни жипслаштиришга чақиради.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

БОННИ. ГФР, Франция, Англия, Италия, Голландия, Бельгия, АҚШ ва бошқа мамлакатларнинг кўпгина жамоат ташкилотлари, таниқли фан ва маданият намояндалари, касаба союз активлари, тинчлик тарафдорлари Ғарбий Германия тинчлик, ҳамкорлик ва қуроллсизланиш комитетининг 26 октябрда Кайзерслаутерн шаҳрида НАТО нинг Ғарбий Европада Америка ракета-ядро қуролининг янги турларини жойлаштириш режаларига қарши Европа намойиши ўтказиш тўғрисидаги даъватини маъқулладилар. Тинчлик тарафдорлари бундай намойиш ўтказиш билан жаҳон жамоатчилигининг диққат-эътиборини АҚШ ва НАТО нинг хатарли ниятларига жалб этишни мақсад қилиб қўйганлар.

КАРАКАС. Венесуэланинг Карабобо, Арагуа ва Яракуй штатларида бензин ташувчи машиналарнинг ҳайдовчилари иш ташладилар. Меҳнаткашлар иш ҳақининг оширилишини ва меҳнат шароити яхшиланишини, техника хавфсизлигига риоя этилишини талаб қилмоқдалар. Забастовка натижасида мамлакатнинг марказий районларига ёнилғи етказиб бериш деярли бутунлай тўхтатиб қўйилди.

КУВАЙТ. Американинг пармалаш платформасида юз берган фалокат натижасида Форс кўрфазида ҳосил бўлган нефть доғи қарийб уч минг квадрат километр майдонни эгаллади. Пармалаш платформасида октябрь ойининг бошида юз берган портлаш туфайли кўп миқдорда олтингугурт гази ажралди. Баҳрайн ахборот министри Тариқ ат-Муайя нинг хабар беришича, ҳукумат ҳалокат оқибатларини тугатиш учун барча чораларни кўрмоқда. Денгиз ифлосланишига қарши иш олиб бориш учун бир группа мутахассислар юборилди.

ТОКИО. Саноатдаги тўшкунлик кучаётганлиги ва пул тобора қадрсизланаётганлиги Япония экономикасини мушкул аҳволга солиб қўйди. Эълон қилинган маълумотларга кўра, мамлакатда саноат ишлаб чиқариш ҳажми август ойида июнь ойига нисбатан 3,8 процент камайиб кетди.

(ТАСС).

Редактор М. ҚОРИЕВ.

Ўзбекистон Театр жамияти правлениеси Самарқанд область театр жамияти президиумининг раиси, Ўзбекистон ССР халқ артисти З. Содиқова-га онаси
Шамсиқамар ИЗЗАТУЛИНАнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент давлат университетининг ректорати, партия ва касаба союз ташкилотлари ҳамда юридик факультети коллективи «Совет жиноят процесси» кафедрасининг катта ўқитувчиси Х. Жўраевга отаси
Жўра РУЗИЕВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН
МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.50 — Гимнастика. 10.15 — Буратино кўргазмаси. 10.45 — Ота-оналар, сизлар учун. 11.15 — Совет ва ҳаёт. 11.45 — М. Лермонтов поэзияси. 12.25 — Адресимиз Совет Иттифоқи. 13.00 — Голиблар. 14.15 — Спортлото. 14.30 — Музикали телевизион фильм. 15.00 — Эрмитаж. 15.30 — Дунё воқеалари. 15.45 — Кўркув билмай. Бадиий фильм. 17.05 — Ҳайвонот оламида. 18.05 — Сиёсий шарҳловчи Ю. А. Летунов суҳбати. 18.35 — Кинопанорама. 19.05 — Ҳамдўстлик. 19.50 — Эзгулик тантана қилади. Телеспектакль. 21.30 — Время. 22.15 — Концерт. 23.40 — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10 Фильм-концерт. 10.35 — Сўз кетидан сўз келар. 11.05 — Ўзбекистон спорти. 11.35 — Оналарнинг мактаби. 12.05 — Цирк программаси. 12.45 — Кувноқ воқеалар. Бадиий фильм. 17.00 — Футбол. «Пахтакор» — «Спартак». Танаффусда — кинофильм. 18.50 — Мультфильм. 19.00 — До-ре-ми-фа-соль. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Нодира лирикаси. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Нодира лирикаси (давоми). 21.30 — Время. 22.15 — Хирмонингизга барака. 22.30 — Эстрада программаси.

ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

18.40 — Душанба кўрсатувлари.

РАДИО

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Ўзбек давлат телевидениеси ва радиоси солистларининг концерти. 9.30 — Санъат саодатимдир. 10.25 — Дугоналар. 13.00 — Юксак рентабеллик учун. 13.30 — Касбим — қўшиқ. 14.00 — Илғорлар рапорти. 16.10 — Радиотингловчиларнинг талабларига биноан концерт. 17.30 — Кўшиқ билан учрашув. 18.15 — Футбол бўйича СССР чемпионати. «Пахтакор» — «Спартак» (Москва). 18.45 — Партия ходими минбари. 19.45 — Музикали танаффус. 20.25 — Таниш оҳангларга. 21.00 — Юксак ишонч. 21.10 — Санъат саодатимдир. 21.40 — Пахта йиғим-терими илғорлари учун концерт. 22.30 — Сиз ёқтирган қўшиқлар. 23.20 — Дам олиш концерти.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ
Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

Редакция адреси: 700000, Тошкент—П, Ленин кўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор — 33-65-45, 32-53-04, редактор ўринбосарлари — 33-06-83, 32-55-04, 33-44-55, 32-55-05, масъул секретарь — 33-79-14, 32-53-05, секретариат — 33-72-83, 32-53-06; БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, марксизм-ленинизм назарияси пропагандаси 32-55-70, халқаро ҳаёт — 32-54-18, саноат, транспорт ва капитал қурилиши — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-86, 32-54-35, 32-55-16; совет қурилиши — 32-57-20; 32-54-18, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 33-44-51, 32-57-21, 32-54-24, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, 32-54-26, 32-54-27, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 33-35-53, 32-53-16, 32-53-20, 32-53-21, 32-54-13, иллюстрация — 32-57-22, коммунистик тарбия — 32-54-29, стенографистка — 33-73-43, 32-54-05, жамоатчилик қабулхонаси — 33-89-28, 32-52-28; эълонлар бўлими — 33-81-42; ОВЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ: ҚҚАССР — 2-42-62; Тошкент — 32-53-20, Самарқанд — 5-19-71; Сирдарё — 2-05-27, Сурхондарё — 3-92-36, Хоразм — 5-51-24; Бухоро — 3-31-42; Қашқадарё — 61-35; Фарғона — 4-20-84; Наманган — 6-79-92; Андижон — 4-48-85; Жиззах — 31-66. Нашриёт диспетчери — 32-78-94. Нашриёт телефон станцияси — 33-90-30.

Р. 02301. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри, Индекс 64583. Б. — 240. 9